Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 125 (20. 692) • 1990 йил 2 июнь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

СССР Олий Совети Ўртоқ А. И. ЛУКЬЯНОВга

СССР Министрлар Совети Ўртоқ Н. И. РИЖКОВга

Бозор муносабатига ўтишни объектив зарурат деб биламиз. Айни пайтда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика ҳукумати аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг мустаҳкам кафолатларини ишлаб чиқмай туриб, бошқариладиган бозор иқтисодиётига жадал ўтишга, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур моллар чакана нархини оширишга қатъиян эътироз билдирадилар. 1990 йилнинг 1 июлидан нон маҳсулотларининг нархи оширилиши барвақт эканлигини алоҳида таъкидлаймиз.

Республиканинг фикрини СССР Олий Советининг навбатдаги мажлисида СССР халқ депутатларига етказишингизни сўраймиз.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. МИРСАИДОВ.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» СЪЕЗДОЛДИ АНКЕТАСИ

ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

● 1. СИЗ СЪЕЗДДАН НИМАНИ КУТЯПСИЗ?

● 2. СЪЕЗДГА ҚАНДАЙ ТАКЛИФЛАРИНГИЗ БОР?

● 3. ПАРТИЯ ИШИНИ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ ҲАҚИДАГИ ФИКРИНГИЗ?

«Совет Ўзбекистони» анкетасига Шофиркон районидаги «Шофиркон» колхози сут соғувчиси, вилоят партия комитетининг аъзоси, СССР халқ депутати Фазолат ШАРИПОВА жавоб беради.

1. — Мен съезддан биринчи навбатда иқтисодий мунсобатларда адолат тикланишини кутмоқдаман. Партия бу муносабатларда тенглаштириш сиёсатидан батамом воз кечиши керак. Ҳар ким қилган меҳнат самараси, қобилияти даражасига қараб рағбатлантирилиши лозим.

Бундан бир неча йил муқаддам фермамизда умумий лоқайдлик ҳукмрон эди. Бирон киши қилган ишининг манфаатини ҳис этмас эди.

Қайта қуришга ишонч мени пудратчилик ҳаракатига қўшилишга даъват этди. Фермадаги сигирларнинг бир қисмини оилавий парваришга олдик. Қисқа муддат ичида сигирлардан соғиб олинадиган йиллик сут миқдори 2,5 минг килограммдан 4 минг килограммга етди.

Энди коллективимиз бутун фермани ижарага олган. Бундан колхоз ҳам, чорвадорлар ҳам манфаатдор.

2. — Менимча съезд делегатларига беш йиллик ваколат берилиши оқилона иш бўлур эди. Мен бу масалани ижобий ҳал қилиш тарафдориман.

Шундай ваколатлар берилар экан, съезд делегатлари ва халқ депутатларининг келгусидаги ҳамкорлик шаклларини ишлаб чиқиш зарур. Бу партия ва совет ишидаги ҳамкорликка амалий тус берган бўлар эди.

3. — Партия ишида қайта қуриш чинакамига энди бошланади. Бу қайта қуришни таркибий ўзгаришлар, штатларнинг қисқартирилиши билангина амалга ошириб бўлмайди.

Назаримда ишни партия ходимларининг тафаккурида ўзгаришлар қилишдан бошлаш лозим. Жойларда турғунлик йилларида мансаб курсисига ўтирган айрим раҳбарлар ҳамон шиорбозлик билан шуғулланишмоқда. Ваҳолонки, амалий иш сари ўгирилиш керак. Хўжалик вазифаларини Советлар зиммасига юклатиш вақти аллақачон етиб келган.

Партия ходими эса биринчи навбатда тарғиботчидир. Инсоннинг ички дунёсини шакллантириш, унинг онгидаги қотиб қолган нарсаларни йўқотиш партия ходимининг асосий вазифаси. Бу вазифани уддалаш эса ниҳоятда оғир. Бунинг уддасидан чиқсак партиянинг обрў-эътиборини қайтадан тиклаган бўламиз.

● Бахри Избосарова (пастдаги сурат) мана йигирма йилдирки, Хўжайли районидаги Ленин номли колхозда пахтачилик билан шуғулланади. Кейинги уч йилдан бери эса агроучасткага бошлиқ. Ҳозир агроучастка коллективи 225 гектар майдонда пахта етиштирмоқда. Қолган 200 гектар майдонга эса маккажўхори, беда ва турли сабзавотлар экилган. Ҳозир коллектив ғўзага иккинчи марта ишлов бермоқда.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

Съезд минбарига

УСТОЗ ҚАДРИ

Жумҳориятимизда асрлар оша жуда бой педагогик мерос яратилган. Улардан таълим-тарбия ишларида фойдаланиш ниҳоятда зарур. Балки педагогика ўқув юртларида ўзбек мутафаккирлари, маърифатпарварларининг бой меросини, анъаналарини, халқ тажрибасининг ўзига хос қирраларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлар. Ахир, қанчадан-қанча миллий анъаналар, ота-боболар тажрибаси, ўгити, ўрганилмай келинятпти-ку! Илмий текшириш педагогика институтлари маърифатпарварларимиз меросини, тажрибаси, анъаналарини тарғиб этувчи музей ёки тарғиботхоналар ташкил этиш ҳақида ўйлаб кўришлари керакмикан? Ёшларимизни ана шу бой педагогик меросимиз билан таништириш зарур-ку!

Жамиятимизда, халқимиз ўртасида асрлар мобайнида улуғлаб, ардоқлаб келинаётган «Устоз» деган шарафли номни тиклашимиз, унга лойиқ, содиқ қолишимиз керак. Худди шу мавзу Ўзбекистон Компартияси XXII съездида алоҳида тилга олинади, деб ўйлаймиз.

М. ИСМОИЛОВА,
В. И. Ленин номли Тошкент педагогика билим юрти директори.
Ў. ҲОШИМОВА,
ўқитувчи-методист.

• *Пилламиз—тилламиз*

СИРДАРЁЛИКЛАР ҲАМ МАРРАДА

Куни кеча Сирдарё вилоятидан хушхабар келди. Область пиллакорлари йиллик планни шараф билан бажаришди. Қабул пунктларига 423,1 тонна сифатли хом ашё етказиб берилди. Йиллик план 103,2 фоизга уддаланди. Ҳар бир қути қурт уруғидан ўртача 55 килограммдан кумуш тола йиғиштириб олинди.

Бу ғалабага осонликча эришилгани йўқ. Барча хўжаликларда ипак қурти парвариши илм-фан тавсияси ва илғорлар тажрибаси асосида намунали ташкил этилганлиги ҳосилдорликни кескин ошириб, унинг сифатини яхшилаш имкониятини берди. Тутзорлар парвариши кўнгилдагидек олиб борилди. Ипак қурти боқиладиган хонадонларга ўз вақтида қулай шароитлар яратиб берилди. Уларни кўмир билан таъминлаш, темир сўкчаклар етказиб бериш яхши йўлга қўйилди. Ана шунинг учун ҳам ютуқлар салмоқли бўлди.

Эришилган бу ғалабага Сирдарё райони пиллакорлари муносиб улуш қўшишди. Улар пландаги 113 тонна ўрнига 122 тонна қимматли хом ашё етказиб беришди. Ҳар бир қути қурт уруғидан ўртача 53 килограммдан хом ашё олинди. Гулистонликлар эса пландаги 84 тонна ўрнига 96 тонна пилла етказиб беришди. Улар ҳосилдорликни 58 килограммга етказишди. Ворошиловликлар кўзда тутилганидек 79 тонна ўрнига 89 тонна пилла етиштиришди. Боёвут райони 49 тонна, Комсомол райони 34,4 тонна пилла тайёрлади.

Кўпгина хўжаликлар пилла етиштириш борасида катта тажриба тўплашди. Масалан, Комсомол районидаги «Ленинград» совхози пиллакорлари 340 қути қурт уруғидан пландаги 14,8 тонна ўрнига 17 тоннадан знёд дурдона етказиб беришди. Сирдарё районидаги Ленин номли колхоз пиллакорлари эса 380 қути қурт уруғидан режадаги 18,6 тонна ўрнига 19,9 тонна маҳсулот топширишди. Гулистон районидаги «Коммуна» колхози «кумуш тола» ижодкорлари эса кўзда тутилганидек 10,3 тонна ўрнига 11 тонна хом ашё тайёрлашди.

Вилоят пиллакорлари айни кунларда суръатни бўшаштирганлари йўқ. Улар социалистик мажбурият ҳисобига пилла топширишни давом эттирмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ АСОСИЙ МУАММОСИ

● Жумҳурият Олий Советининг бўлажак сессияси кун тартибига киритилган асосий муаммолардан бири — «Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисида»ги Қонунидир. Бу давлат ҳужжати қайта қуриш келтириб чиқарган ўзгаришларнигина акс эттириб қолмай, жумҳуриятнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши керак.

Зеро, Қонун лойиҳасини тайёрлаш ишига Олий Советнинг барча доимий комиссиялари, бунинг устига жумҳурият Министрлар Кенгаши билан яқин ҳамкорликда киришдилар. Шундай қилиб, лойиҳа устида ишлаш жараёнида кучларни жамлаш, Қонун чиқарувчи орган билан ҳукуматнинг самарали ҳамкорлик қилиши соҳасида ибрат бўларли тажриба тўпланди.

Улар ўз ишчи гуруҳларини бирлаштириш фойдали бўлади, деб ҳисобладилар. Бу ишчи гуруҳлари таркибига халқ депутатлари билан биргаликда таниқли иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, бошқа мутахассислар таклиф қилинди. Бу эса мулкчиликнинг ғоят хилма-хил назарий ва амалий жиҳатларини кўриб чиқиш, турли нуқтаи назарларни қиёслаш, Қонунда акс этиши лозим бўлган асосий қоидаларни келишиб олиш имконини берди.

31 май куни «Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси кенгайтирилган мажлисда Олий Совет доимий комиссиялари ва ҳукумат идоралари раҳбарларининг, илмий муассасалар, жамоат ташкилотлари вакилларининг иштирокида муҳокама қилинди.

Тақдим этилган лойиҳа Умумиттифоқ Қонунига уйғун эканлиги ва айни вақтда жумҳуриятнинг аниқ манфаатларини, унинг ўзига хос иқтисодий ва табиий хусусиятларини, тарихи ва анъаналарини акс эттирганлиги таъкидланди.

Муҳокама жараёнида бўлажак Қонуннинг умумий йўналишлари, шунингдек унинг айрим бўлимлари ва моддалари пухта кўриб чиқилди, амалий таклифлар киритилди. Лойиҳани пухталаштириш чоғида ана шу фикрлашишни ҳисобга олиш зарур, деб топилди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш доимий комиссияси ана шу ҳужжатни яқин кунларда Ўзбекистон ССРнинг барча халқ депутатларига юборади.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов сўзга чиқди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, жумҳурият Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, давлат план комитетининг раиси Б. С. Ҳамидов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИДА

КОМИССИЯЛАР СЕССИЯГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари республика қонун чиқарувчи олий органининг яқинда бўладиган сессиясига фаол тайёргарлик кўрмоқда.

Мажлисларда сессия кун тартибига киритилган муаммоларга тааллуқли материаллар, шунингдек комиссиялар ишини ташкил қилиш ва планлаштириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилмоқда ва муҳокама қилинмоқда.

(ЎзТАГ).

М. С. Горбачев билан Ж. Бушнинг музокаралари

ВАШИНГТОН, 1 июнь. ТАСС махсус мухбирлари Игорь Борисенко, Владимир Матяш, Виталий Чуксеев, Геннадий Шишкин хабар қиладилар: 31 майда кунинг иккинчи ярмида Оқ уйда СССР билан АҚШ Президентлари ўртасида делегациялар иштирокида, музокаралар бўлиб ўтди.

Унда ҳозирги даврда жаҳон сиёсатида икки давлатнинг ролига ўзаро баҳо бериш, жаҳондаги чуқур ижобий ўзгаришлар ўзанида СССР билан АҚШ муносабатлари яхшиланишининг аҳамияти муҳокама қилинди.

М. С. Горбачев Оқ уйдан чиқаётганда журналистлар унга савол бердилар. Биринчи бўлиб бундай савол берилди: Германия масаласини ҳал қилдингизларми?

— Мен Германия масаласи ҳар ҳолда бу ерда ҳал қилинмаса керак, деб ўйлайман... — дея жавоб қилди М. С. Горбачев.

— Нима учун бу ерда ҳал қилинмайди?

— Тушунтириб бераман. Учрашув Европадаги вазият ва у ердаги воқеаларнинг ривожланиши ҳамда шу муносабат билан Германияни бирлаштиришнинг ташқи жиҳатлари хусусида фикрлашиб олишга бағишланди. Менимча, биз Президент билан пухта гаплашиб олдик. Унда делегация аъзолари ҳам қатнашдилар. Эндиликда бир-биримизнинг позициямизни яхшироқ тасаввур эта оламиз, шунингдек бир-биримизнинг хавотирликларимизни ҳам яхшироқ тасаввур этамиз, деб умид қиламан. Америка томони ҳам, биз ҳам маълум ғояларни айтдик. Менимча, бўлиб ўтган фикрлашув ташқи ишлар министрлари экспертлар иштирокида масалани тағин ҳам чуқурроқ кўриб чиқишларини тақозо этди, — бу фикрга АҚШ Президенти ҳам қўшилди. Ана шундай топшириқлар берилди. Сизларни мен айтганимдан кўпроқ нарсалар қизиқтиради, албатта. Лекин ҳозирча биз ҳали ҳаммасини билмаймиз.

Савол: Сиз ҳали ҳам Президент Буш масала фақат бир хил — Германия НАТОда бўлиши керак, деб талаб қиляпти, деб ҳисоблайсизми?

Жавоб: Президент Буш ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилаётган бўлса керак. Ўз фикрини зўрлаб ўтказиш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Бунинг устига бу муаммо унда қатнашувчи жуда кўп томонларга дахлдир... Биз Президент билан иккала томон айтган таклифларни чуқурлаштириш ва тағин ҳам муфассалроқ кўриб чиқишни министрларга ва экспертларга топширишга келишган эканмиз, демак эътиборга, тағин ҳам батафсил муҳокама қилишга лойиқ нимадир пайдо бўлган.

Бизнинг нуқтаи назаримиз шундан иборатки, шу муаммо билан, унинг бутун мураккаб мажмуаси билан боғлиқ бўлган барча тўхтамлар натижасида фақат қандайдир бир томоннинг манфаатларига зарар етказилмаслик билан бирга, умуман сўнгги вақтда авж олиб кетган теран ижобий жараёнларга ҳам зарар етмаслиги лозим. Чунки биз Германияни бирлаштиришнинг ташқи масалаларини келишиб олишда хатога йўл қўйсак, бу бутун Европадаги аҳволга, шугина эмас халқаро сиёсатнинг барча йўналишларидаги аҳволга, очиғини айтаман, албатта, Совет-Америка ҳамкорлигига жуда салбий таъсир этиши мумкин. Умуман Совет-Америка ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда. Бундан фақат бизнинг мамлакатларимиз эмас, балки бутун жаҳон манфаат кўрмоқда. Шу сабабли ғоят масъулият билан иш тутиш керак.

Савол: Иқтисодий масалалар муҳокама қилиндими? Сиз қандайдир аниқ иқтисодий ёрдам қилишни сўрайсизми?

Жавоб: Бугун Президент билан яккама-якка учрашган чоғимизда биз, айтиш мумкинки — даврмиз фалсафаси тўғрисида кўпроқ гапирдик. Шу муносабат билан сиёсат қандай бўлиши лозимлиги, бизнинг иккала мамлакатимиз роли ва ўрни қандай бўлиши кераклиги, улар қандай баҳамжиҳат ҳаракат қилишлари лозимлиги ҳақида гаплашдик. Дунёда ҳамма нарса тез ўзгариб бормоқда. Агар Мальта учрашуви бўлмаганида эди, унда вужудга келган тушунишув ва муайян аҳдномалар бўлмаганида эди, ўша қиш ойларида, Европада бундай жўшқин воқеалар авж олиб кетган пайтда биз бунга тайёр бўлмас эдик. Аммо биз ўшанда, Мальтада таркиб топаётган вазиятни муҳокама қилдик, у қандай тус олиши мумкинлигини, у ҳаммадан қандай сабр-бардошни талаб қилишини ва мулоқот олиб бориш лозимлигини, энг муҳими — воқеаларнинг беқарорлик сари бориб юбормаслик, жараёнларнинг ўзига, ҳалқларнинг ўзига ҳамма нарсани ўзи англаб етиб, ўзи ечимини топишига имкон бериш лозимлигини фаразлаган эдик. Президент Буш билан ўша биринчи учрашувимизнинг аҳамияти мана шунда. Учрашув режалаштирилганидан ҳам узоқроқ давом этди. Кези келганда айтиб ўтайлик, СССРдаги, Европадаги ва дунёдаги катта ўзгаришлар муносабати билан иқтисодий жараёнлар ҳам кўриб чиқилди. Президентни бизнинг ислоҳотимиз айниқса кўпроқ қизиқтирди. Мен ислоҳот бизнинг олдимизга қўйган муаммоларни принцип жиҳатидан изоҳлаб бердим. Шу билан боғлиқ равишда бундай даврда биз бир-биримизни яхшироқ тушунишимиз, ҳамкорлик қилишимиз ва воқеаларнинг боришини «енгиллаштиришимиз» лозим деган мавзу пайдо бўлди.

Ҳозирги учрашув давомида эса иқтисодий масалалар ҳозирча министрлар томонидан кўриб чиқилди. Эртага Президентлар бу масалаларни муҳокама қиладилар.

• *Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида*

ҚАРОРЛАР ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов раислигида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ВКП (б) Марказий Комитетининг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари тўғрисидаги (1946 йил 14 август) ва «В. Мураделининг «Буюк дўстлик» операси ҳақида»ги (1948 йил 10 февраль) қарорлари асосида қабул қилинган Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг «Ўзбекистон совет ёзувчилари уюшмасининг иши тўғрисида»ги (1949 йил 25 июнь), «Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг иши тўғрисида»ги (1950 йил 1 сентябрь), «Ўзбекистон ССР музика санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги (1951 йил 8 апрель) қарорлари, шунингдек Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг X пленуми (1952 йил 21-22 февраль) қарорлари асосида қабул қилинган «Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети Бюросининг қарорлари қониқарсиз бажарилаётганлиги тўғрисида»ги (1950 йил 1 сентябрь), «Ўзбекистон ССР музика санъатининг аҳволи тўғрисида»ги (1952 йил 17 сентябрь), «ВКП(б) аъзоси ўртоқ А. М. Аминовнинг сиёсий хатолари, мафкуравий бузишларга йўл қўйганлиги ва нотўғри хулқ атвори ҳақида»ги (1952 йил 27 июль), «Ўртоқ В. Й. Зоҳидовнинг хатолари ва мафкуравий бузишларга йўл қўйганлиги тўғрисида»ги (1952 йил 22 август) қарорлари билан боғлиқ материалларни ўрганувчи комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Ленинча миллий сиёсат принципларини қўпол равишда бузган ана шу қарорлар жумҳуриятнинг маънавий турмушидаги жараёнларга салбий таъсир кўрсатганлиги айтиб ўтилди. Уларда Ўзбекистон фани, адабиёти ва музика-театр санъатининг таниқли намояндалари асоссиз равишда қаттиқ танқид қилинган эди.

Ушбу қарорлар Ўзбекистон илмий ва ижодкор зиёлиларининг бир қанча таниқли намояндаларига нисбатан ғайриқонуний қатағонлар ва қувғиндилар учун асос бўлиб хизмат қилди. Булар орасида олимлардан А. М. Аминов, В. Й. Зоҳидов, А. Ҳ. Бобохўжаев, О. Усмонов, Ҳ. З. Зарифов, Ҳ. Ёқубов, ёзувчи ва шоирлардан Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода, Шуҳрат, М. Осимов, Туроб Тўла, Темур Фаттоҳ, Собир Абдулла, Уйғун, М. Бобоев, Туйғун, Камтар Отабоев, Р. Бобожон, Ҳабибий, И. Султон, шунингдек музика-театр санъатининг бир қанча арбоблари бор.

Комиссия ўз ихтиёридаги мавжуд материалларни чуқур, атрофлича ўрганиб чиқканидан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига мурожаат этиб, юқорида номлари тилга олинган фан, адабиёт ва музика-театр санъати арбобларини батамом оқлаш масаласини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг навбатдаги пленумида кўриб чиқишни илтимос қилди.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатлари диққатига

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди 1990 йил 4 июнь куни Тошкентда, Санъат саройида эрталаб соат 10 да очилишини маълум қилади.

Делегатлар 2 июнь куни соат 10 дан 20 га қадар ва 3 июнь куни соат 10 дан 18 га қадар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Катта мажлислар залида рўйхатга олинадилар.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ҚОНУНИ

СССР ФУҚАРОЛИГИ ТЎҒРИСИДА

СССР фуқаролиги шахс билан Совет давлатининг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади.

СССРда ҳар бир киши фуқаролик ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан ўзбошимчалик билан маҳрум қилина олмайди.

Совет давлати ўз идоралари ва мансабдор шахслари орқали СССР фуқаролари олдида масъулдир, СССР фуқароси эса давлат олдида масъулдир.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **СССРда фуқаролик**

СССРда Иттифоқ фуқаролиги белгиланди. Иттифоқдош республиканинг ҳар бир фуқароси айни вақтда СССР фуқаросидир. Автоном республиканинг ҳар бир фуқароси айни вақтда автоном республикани ўз таркибига олган иттифоқдош республиканинг фуқароси ва СССР фуқаросидир.

2-модда. **Тенг фуқаролик.**

СССР фуқаролиги фуқароликни олиш асосларидан ва ҳар қандай республика фуқаролигига мансублигидан қатъи назар, барча совет фуқаролари учун тенгдир.

СССР фуқаролари келиб чиқишларидан, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, машғулот тури ва тусидан, истиқомат жойидан, муайян жойда яшаш вақтидан ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар, Қонун олдида тенгдирлар.

СССР фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги иқтисодий сиёсий, ижтимоий ва маданий турмушнинг барча соҳаларида ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар томонидан таъминланади.

3-модда. **ССР Иттифоқи иттифоқдош ва автоном республикаларнинг совет фуқаролиги тўғрисида қонунлар**

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг совет фуқаролиги тўғрисидаги қонунлари СССР Конституцияси асосида қабул этилган ушбу Қонундан ва ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг совет фуқаролиги тўғрисида шу Қонунга мувофиқ чиқарадиган бошқа қонун ҳужжатларидан иборат бўлади.

4-модда. **СССР фуқаролигига мансублик**

Ушбу Қонун кучга кирган кунда СССР фуқароси бўлиб турган шахслар:

ушбу Қонунга мувофиқ СССР фуқаролигини олган шахслар СССР фуқароларидир.

5-модда. **Иттифоқдош республиканинг фуқаролиги**

Иттифоқдош республиканинг фуқаролиги иттифоқдош республиканинг фуқаролиги тўғрисидаги Қонун билан белгиланади. Иттифоқдош республиканинг ҳар қандай иттифоқдош республика территориясидаги ҳар бир фуқароси унинг фуқаролари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланади ва улар билан тенг бурчларни бажаради.

6-модда. **Автоном республиканинг фуқаролиги**

Автоном республиканинг фуқаролиги автоном республиканинг фуқаролик тўғрисидаги Қонуни билан белгиланади.

Автоном республика территориясида ҳар қандай иттифоқдош ёки автоном республиканинг ҳар бир фуқароси унинг фуқаролари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланади ва улар билан тенг бурчларни бажаради.

7-модда. **Никоҳдан ўтишда ва уни бекор қилишда фуқароликнинг сақланиб қолиши**

СССР фуқароси бўлган эркак ёки аёлнинг хорижий фуқароликдаги шахс билан ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши шунингдек, бу никоҳни бекор қилиш эр-хотинларнинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди.

Эр ёки хотиннинг фуқаролиги ўзгариши хотин ё эрнинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди.

8-модда. **Чет элда яшовчи шахсларнинг СССР фуқаролиги сақланиб қолиши**

СССР фуқаросининг чет элда яшаши СССР, иттифоқдош ёки автоном республиканинг фуқаролиги тўхташига сабаб бўлмайди.

9-модда. **Чет элдаги СССР фуқароларининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши**

Чет элдаги СССР фуқаролари Совет давлатининг ҳимояси ва ҳомийлигидан фойдаланадилар.

Совет давлати, унинг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари СССР фуқароларининг ўзлари яшаб турган мамлакат қонунлари, СССР ёки иттифоқдош республика ҳамда улар турган давлат қатнашадиган халқаро шартномалар ва халқаро урф-одатлар уларга бериб қўйган ҳамма ҳуқуқлардан тўла ҳажмда фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари учун чора-тадбирларни кўришга, уларнинг манфаатларини ва Қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқларини қонунларда белгиланган тартибда ҳимоя қилишга, зарурат туғилган тақдирда эса совет фуқароларининг бузилган ҳуқуқларини қайта тиклаш чораларини кўришга мажбурдирлар.

10-модда. **СССР фуқаросини хорижий давлатга топширишга йўл қўйилмаслиги**

СССР граждани хорижий давлатга топширилиши мумкин эмас.

11-модда. **СССР фуқаросининг хорижий давлат фуқаролигига мансублигини тан олмаслик**

СССР фуқароси бўлган шахснинг хорижий давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди.

12-модда. **Фуқаролиги бўлмаган шахслар**

СССР территориясида яшаб турган, СССР фуқаролари бўлмаган ва хорижий давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳисобланади.

II. СССР ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛИШ

13-модда. **Совет фуқаролигини олиш асослари**

СССР фуқаролиги:

1) туғилганда;

2) совет фуқаролигига қабул қилиниши натижасида;

3) СССРнинг халқаро шартномаларида кўзда тутилган асослар юзасидан;

4) ушбу Қонунда кўзда тутилган бошқа асослар юзасидан олинади.

14-модда. **Ота-оналари СССР фуқаролари бўлган фарзандларнинг фуқаролиги**

Туғилган пайтда ота-онаси СССР фуқаролигида бўлган гўдак СССР территориясида ёки СССРдан ташқарида туғилган бўлишидан қатъи назар, СССР фуқароси ҳисобланади.

15-модда. **Отаси ёки онаси СССР фуқароси бўлган фарзандларнинг фуқаролиги**

Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, уларнинг бири, гўдак туғилган пайтда СССР фуқаролигида бўлган қуйидаги ҳолларда фарзанд СССР фуқароси ҳисобланади:

1) агар у СССР территориясида туғилган бўлса;

2) агар у СССР чегарасидан ташқарида туғилган бўлса-ю ота-онаси ёки уларнинг бири шу вақтда СССР территориясида доимий истиқомат жойига эга бўлса.

Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлган, улардан бири гўдак туғилган пайтда СССР фуқаролигида турган бўлса, агар шу вақтда ота-она СССР чегарасидан ташқарида доимий истиқомат жойига эга бўлса, СССР чегарасидан ташқарисида туғилган гўдакнинг фуқаролиги ота-онанинг ёзма тарзда ифодаланган келишуви билан белгиланади.

Отаси ёки онаси гўдак туғилган пайтда СССР фуқаролигида турган, онаси ёки отаси фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ёҳуд номаълум бўлган тақдирда гўдак туғилган жойидан қатъи назар, СССР фуқароси ҳисобланади. Гўдакнинг отаси аниқланган, онаси фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган, отаси эса СССР фуқароси деб тан олинган тақдирда 14 ёшга етмаган бола, туғилган жойидан қатъи назар, СССР фуқароси бўлиб қолади.

16-модда. **Фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандларнинг СССР фуқаролигини олиши**

Фуқаролиги бўлмаган, СССРда доимий истиқомат жойига эга бўлган шахсларнинг СССР территориясида туғилган фарзанди СССР фуқароси ҳисобланади.

17-модда. **Ота-онаси номаълум бўлган болаларнинг фуқаролиги**

Ота-онаси номаълум бўлган ва СССР территориясида яшаётган бола СССР фуқароси ҳисобланади.

18-модда. **СССР фуқаролигига қабул қилиш**

Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз илтимосномаларига кўра, ушбу Қонунга биноан келиб чиқишидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, истиқомат жойидан қатъи назар, СССР фуқаролигига қабул қилиниши мумкин.

СССР фуқаролигига қабул қилишни илтимос қилган шахс СССР Конституциясида мустаҳкам белгилаб қўйилган Совет давлати ва ижтимоий тузумини зўрлик билан ағдаришга ёки ўзгартиришга чақирган тақдирда; давлат хавфсизлигига, жамоат тартибини сақлашга, аҳолининг сиҳат-саломатлиги ёки ахлоқига зарар етказувчи фаолиятни амалга оширган, адоватни, ирқий ва миллий мумтозликни тарғиб қилган тақдирда; террорчилик фаолияти билан боғлиқ бўлган тақдирда унинг илтимосномаси рад қилинади.

III. СССР ФУҚАРОЛИГИНИНГ ТУХТАТИЛИШИ

20-модда. **СССР фуқаролиги тўхтатилишининг асослари**

СССР фуқаролиги:

1) СССР фуқаролигидан чиқиш оқибатида;

2) СССР фуқаролигидан маҳрум бўлиш оқибатида;

3) СССР фуқаролигидан маҳрум этилиш оқибатида;

4) СССРнинг халқаро шартномаларида кўзда тутилган асосларга биноан;

5) ушбу Қонунда кўзда тутилган бошқа асосларга биноан тўхтатилади.

СССР фуқаролигининг тўхтатилиши иттифоқдош республика ва автоном республика фуқаролигининг тўхтатилишига сабаб бўлади.

21-модда. **СССР фуқаролигидан чиқиш**

Ушбу Қонунда белгиланган тартибда шахснинг илтимосномасига кўра СССР фуқаролигидан чиқишга рухсат этилади.

Агар СССР фуқаролигидан чиқишни илтимос қилувчи шахс давлат олдидаги мажбуриятларини бажармаган бўлса ёки фуқароларнинг ёҳуд давлат ва жамоат ташкилотларининг муҳим манфаатлари билан боғлиқ мулкий мажбурияти бўлса, унинг СССР фуқаролигидан чиқиши рад этилиши мумкин.

Агар СССР фуқаролигидан чиқишни илтимос қилувчи шахс айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган ёҳуд унга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро этилиши зарур бўлган суд ҳукми бўлса ёки шахснинг СССР фуқаролигидан чиқиши СССР давлат хавфсизлиги манфаатларига зид бўлса, унинг СССР фуқаролигидан чиқишига йўл қўйилмайди.

22-модда. **СССР фуқаролигидан маҳрум бўлиш**

Қуйидаги ҳолатларда:

1) шахс чет давлатдаги ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизматига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирганлиги натижасида;

2) агар чет элда доимий яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса;

3) агар СССР фуқаролиги сохта маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида қўлга киритилган бўлса, СССР фуқаролигидан маҳрум бўлган ҳисобланади.

Ушбу Қонуннинг 35 ва 36-моддаларида кўрсатиб ўтилган ваколатли давлат идоралари ушбу ҳолатни қайд этган пайтдан бошлаб СССР фуқаролигидан маҳрум бўлинади.

23-модда. **СССР фуқаролигидан маҳрум этиш**

Агар чет элда яшовчи шахс СССРнинг давлат манфаатларига ёки давлат хавфсизлигига катта зарар етказувчи хатти-ҳаракатлар қилган фавқулодда ҳолатда у СССР фуқаролигидан маҳрум этилиши мумкин.

Шахснинг СССР фуқаролигидан маҳрум этилиши унинг рафиқаси ва фарзандларининг фуқаролигини ўзгартирмайди.

IV. ОТА-ОНАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИГИ ЎЗГАРГАНДА ВА ФАРЗАНДЛИККА ОЛИНГАНДА БОЛАЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИГИ

24-модда. **Ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда болалар фуқаролигининг ўзгариши**

Ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарганлиги натижасида уларнинг ҳар иккаласи СССР фуқаролари бўлганида ёки ҳар иккаласи СССР фуқаролигидан чиққанида, шунга биноан уларнинг 14 ёшга етмаган болалари фуқаролиги ўзгаради.

Агар боланинг ота-онасидан бири маълум бўлса, унинг фуқаролиги ўзгарганда, шунга биноан 14 ёшга тўлмаган боланинг фуқаролиги ҳам ўзгаради.

25-модда. **Васийликка олинган боланинг СССР фуқаролигини сақлаб қолиши**

СССР территориясида яшовчи боланинг ота-онаси ёки улардан бири СССР фуқаролигидан чиқса ва айни пайтда СССР фуқаролари васийлиги белгиланган болани тарбиялашда иштирок этмаса, ота-она ёки васийнинг илтимосномасига кўра, бола СССР фуқаролигини сақлаб қолади.

26-модда. **Ота-онасидан бири СССР фуқаролигини олган тақдирда болаларнинг СССР фуқаролигини олиши**

Агар ота-онасидан бири СССР фуқаролигига ўтса, бошқаси эса чет эл фуқароси бўлиб қолса, СССР фуқаролигини олган отанинг ёки онанинг шу ҳақдаги илтимосномасига кўра, бола СССР фуқаролигини олиши мумкин.

Агар ота-онасидан бири СССР фуқаролигига ўтса, бошқаси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қолса, СССР территориясида яшовчи бола СССР фуқароси бўлиб қолади.

Агар ота-онасидан бири СССР фуқаролигига ўтса, бошқаси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қолса, СССРдан ташқарида яшовчи бола СССР фуқаролигига ўтган отанинг ёки онанинг илтимосномасига кўра СССР фуқаролигига эга бўлиши мумкин.

27-модда. **Ота-онасидан бири СССР фуқаролигидан чиққан тақдирда боланинг СССР фуқаролигини сақлаб қолиши**

Агар ота-онасидан бири СССР фуқаролигидан чиқса, бошқаси эса СССР фуқаролигида қолса, бола СССР фуқаролигини сақлаб қолади. СССР фуқаролигидан чиқадиган отанинг ёки онанинг илтимосномасига кўра бундай болага СССР фуқаролигидан чиқишга рухсат берилиши мумкин.

28-модда. **Бола фарзандликка олинган тақдирда СССР фуқаролигини олиши**

СССР фуқаролари фарзандликка оладиган чет эл фуқароси бўлган ёки фуқаролиги йўқ шахс бўлган бола СССР фуқаросига айланади.

Бири СССР фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлган эр-хотин фарзандликка оладиган чет эл фуқароси бўлган бола СССР фуқаросига айланади.

Бири СССР фуқароси бўлган эр-хотин фарзандликка оладиган фуқаролиги йўқ шахс бўлган бола СССР фуқаросига айланади.

Бири СССР фуқароси бўлган, бошқаси эса чет эл фуқароси бўлган эр-хотин фарзандликка оладиган чет эл фуқароси бўлган бола уни фарзандликка олувчиларнинг келишувига кўра СССР фуқаросига айланади.

29-модда. **Фарзандликка олинган тақдирда боланинг СССР фуқаролигини сақлаб қолиши**

Чет эл фуқаролари фарзандликка олган ёки бири СССР фуқароси, бошқаси эса чет эл фуқароси бўлган эр-хотин фарзандликка олган СССР фуқароси бўлган бола СССР фуқаролигини сақлаб қолади. Фарзандликка олувчиларнинг илтимосномасига кўра, бундай болага СССР фуқаролигидан чиқишга рухсат берилиши мумкин.

Фуқаролиги йўқ шахслар фарзандликка олган ёки бири СССР фуқароси бўлган, бошқаси фуқаролиги йўқ шахс бўлган эр-хотин фарзандликка олган СССР фуқароси бўлган бола СССР фуқаролигини сақлаб қолади.

30-модда. **Болаларнинг фуқаролигини ўзгартириш чоғида улар розилик беришининг зарурлиги**

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда, шунингдек улар фарзандликка олинган тақдирда уларнинг фуқаролиги ушбу Қонуннинг 38-моддасида кўзда тутилган тартибда фақат болаларнинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

V. СОВЕТ ФУҚАРОЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА ОИД ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР

31-модда. **Совет фуқаролиги масалаларига оид қарорлар қабул қилувчи органлар**

СССР Президенти, шунингдек иттифоқдош, автоном республикалар Олий Советларининг президиумлари ёки олий давлат мансабдор шахслари СССР фуқаролик масалаларига оид қарорлар қабул қилувчи органлардир.

32-модда. **СССР Президентининг ваколатлари**

СССР Президенти:

тегишли илтимосномалар билан СССР Президентига мурожаат қилган чет элда доимий яшовчи хорижий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахсларни СССР фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида;

чет эл фуқароларини ва фуқаролиги йўқ шахсларни СССР фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида ва совет фуқароларига нисбатан илгари СССР қонунларига мувофиқ қарорлар қабул қилинган бўлса уларнинг СССР фуқаролигидан чиқиши тўғрисида;

СССР фуқаролигини тиклаш тўғрисида;

тегишли илтимосномалар билан СССР Президентига мурожаат қилган чет элларда доимий яшовчи совет фуқароларининг СССР фуқаролигидан чиқиши тўғрисида;

СССР фуқаролигидан маҳрум этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Иттифоқдош ва автоном республиканинг манфаатларига дахлдор фуқаролик масалаларини СССР Президенти тегишли республика фикрини ҳисобга олиб ҳал этади.

СССР Президенти инсон ҳуқуқларини ёки ССР Иттифоқи манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида СССР фуқаролигига оид исталган масалани ўзи кўриб чиқиш учун қабул этишга ҳақлидир.

33-модда. **Иттифоқдош республика Олий Совети президиуми ёки иттифоқдош республика олий давлат мансабдор шахсининг ваколатлари**

Иттифоқдош республика Олий Совети Президиуми ёки иттифоқдош республиканинг олий давлат мансабдор шахси ушбу Қонуннинг 32-моддасида кўзда тутилган СССР Президенти ваколатлари доирасидан ташқарида совет фуқаролигига оид қуйидаги масалалар:

мазкур республика территориясида доимий яшайдиган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахсларни иттифоқдош республика фуқаролигига ва шу билан СССР фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида;

тегишли илтимосномалар билан иттифоқдош республика Олий Совети Президиумига ёки иттифоқдош республиканинг олий давлат мансабдор шахсига мурожаат қилган чет элда яшовчи хорижий фуқаролар ёки фуқаролиги йўқ шахсларни улар территориясига кўчиб бориш истагини билдирган иттифоқдош республика фуқаролигига ва шу билан СССР фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида;

мазкур республика территориясида доимий яшовчи СССР фуқароларининг иттифоқдош республика фуқаролигидан ва шу билан СССР фуқаролигидан чиқиши тўғрисида;

СССРдан чиқиб кетгунга қадар территориясида доимий яшаган, иттифоқдош республика Олий Совети Президиумига ёки олий давлат мансабдор шахсига тегишли илтимосномалар билан мурожаат қилган чет элда доимий яшовчи СССР фуқароларининг иттифоқдош республика фуқаролигидан ва шу билан СССР фуқаролигидан чиқиши тўғрисида;

ушбу Қонуннинг 25-моддасида кўзда тутилган ҳолларда иттифоқдош республика фуқаролигини ва шу билан СССР фуқаролигини сақлаб қолиш тўғрисида қарорлар қабул қиладилар.

34-модда. **Автоном республика Олий Совети Президиуми ёки автоном республика олий давлат мансабдор шахсининг ваколатлари**

Автоном республика Олий Советининг Президиуми ёки автоном республканинг олий давлат мансабдор шахси тегишли иттифоқдош ва автоном республикалар ўртасида тузиладиган битимлар ва шартномалар асосида автоном республика фуқаролиги масалаларига оид қарорлар қабул қиладилар.

35-модда. **Ички ишлар органларининг ваколатлари**

СССР Ички ишлар министрлиги, иттифоқдош ва автоном республикалар ички ишлар министрликлари, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг ички ишлар бошқармалари, бўлимлари: СССРда доимий яшовчи шахслардан совет фуқаролиги масалаларига оид аризалар қабул қиладилар ва зарур ҳужжатлар билан биргаликда СССР Президенти, иттифоқдош, автоном республика Олий Совети Президиуми ва олий давлат мансабдор шахси кўриб чиқиши учун юборадилар, СССРда доимий яшовчи шахсларнинг СССР фуқаролигига мансублигини аниқлайдилар;

СССР территориясида доимий яшовчи шахсларнинг СССР фуқаролигидан маҳрум бўлишини қайд этадилар.

36-модда. **СССР ташқи ишлар министрлиги, иттифоқдош республикалар ташқи ишлар министрликлари, совет дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг ваколатлари**

СССР Ташқи ишлар министрлиги, иттифоқдош республикалар Ташқи ишлар министрликлари, совет дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари:

чет элда доимий яшовчи шахслардан совет фуқаролиги масалаларига оид аризалар қабул қиладилар ва зарур ҳужжатлар билан бирга СССР Президенти, иттифоқдош, автоном республика Олий Совети Пезидиуми ёки олий давлат мансабдор шахси кўриб чиқиши учун юборадилар;

чет элда доимий яшовчи шахсларнинг СССР фуқаролигига мансублигини аниқлайдилар;

чет элда доимий яшовчи шахсларнинг СССР фуқаролигидан маҳрум бўлишини қайд этадилар;

чет элда доимий яшовчи СССР фуқароларини ҳисобга оладилар.

VI. СОВЕТ ФУҚАРОЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН АРИЗАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШГА ОИД ИШЛАР

37-модда. **Фуқаролик масалаларига оид аризаларни топшириш тартиби**

Фуқаролик масалаларига оид аризалар СССР Президенти, иттифоқдош, автоном республика Олий Совети Президиуми ёки олий давлат мансабдор шахси номига ариза берувчиларнинг доимий истиқомат жойидаги ички ишлар органлари орқали, чет элда доимий яшовчи шахсларнинг аризалари эса тегишли совет дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари орқали топширилади.

СССР икки ёқлама фуқароликнинг олдини олиш тўғрисида шартнома тузган давлат фуқаролигидаги шахс фуқаронинг ўз фуқаролигини ўзгартириш ниятига мазкур давлатнинг муносабати тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳужжатни тақдим этиши шарт.

38-модда. **Фуқаролик масалаларига оид аризалар шакли**

Совет фуқаролигини қабул қилиш, совет фуқаролигига тиклаш ёки ундан чиқиш тўғрисидаги илтимосномалар ариза берувчининг ёзма илтимосига биноан кўриб чиқилади. 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан илтимосномалар нотариал идоралар, чет элда эса — совет дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси тасдиқлаган қонуний вакилларининг илтимосига биноан кўриб чиқилади.

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг совет фуқаролигига қабул қилиш, совет фуқаролигига тиклаш ва ундан чиқиш тўғрисидаги аризаларини тошириш чоғида албатта уларнинг розилиги бўлиши шарт. Бундай розилик ёзма шаклда ифодаланиши ва нотариал идоралар томонидан тасдиқланган, чет элда эса—совет дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Балоғатга етмаган бола СССР фуқаролигидан чиқиш тўғрисида илтимоснома топширса-ю, унинг отаси ёки онаси СССР фуқароси бўлиб қоладиган бўлса, мана шу ота ёки онанинг ариза ҳам тақдим этилиши, унда мазкур ота ёки онанинг боласи СССР фуқаролигидан чиқишига муносабати билдирилиши керак. Бу ариза нотариус томонидан тасдиқланган бўлиши, чет элда эса совет дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Башарти ариза берувчи саводсизлиги ёки жисмоний камчиликлари сабабли аризани имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан аризани бошқа киши имзолайди, бу ҳақда ички ишлар органи, чет элда эса совет дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан аризага тегишли сўзлар ёзиб қўйилади.

39-модда. **СССР фуқаролигига мансубликни белгилаш**

Шахснинг СССР фуқаролигига мансублиги тўғрисидаги ариза шу шахснинг доимий истиқомат жойидаги ички ишлар органига, чет элда доимий яшайдиган шахс томонидан эса тегишли совет дипломатия ваколатхонасига ёки консуллик муассасасига берилади.

СССР фуқаролигига мансубликни белгилашда шахснинг СССР фуқаролигига мансублигига алоқадор вазият бошланган пайтда амал қилиб турган ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатлари ва СССРнинг халқаро шартномалари қоидалари қўлланилади.

40-модда. **СССР фуқаролигидан маҳрум қилиш тўғрисидаги тақдимнома**

СССР фуқаролигидан маҳрум қилиш тўғрисидаги тақдимномалар ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг давлат идоралари томонидан, шунингдек совет дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан СССР Ташқи ишлар министрлиги орқали киритилади.

41-модда. **Фуқаролик масалаларига оид аризаларни расмийлаштириш тартиби**

СССР фуқаролиги масалаларига оид аризалар ариза берувчи шахсан мурожаат этган тақдирда доимий истиқомат жойидаги ички ишлар органлари томонидан, чет элда доимий яшовчи шахсларга нисбатан эса тегишли совет дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан расмийлаштирилади.

Узрли сабаблар бўлган тақдирда ички ишлар органлари, совет дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари фуқаролик тўғрисидаги ҳужжатларни бошқа шахслар орқали ёки почтадан бериб юборилган аризаларга мувофиқ расмийлаштиришга мажбурдирлар.

42-модда. **Фуқаролик масалаларига оид аризалар юзасидан хулосалар**

Фуқаролик масалаларига оид аризани расмийлаштираётган ички ишлар органи ёки совет дипломатия ваколатхонаси ёҳуд консуллик муассасаси мазкур ариза юзасидан ўзининг далилланган хулосасини чиқаради.

СССР Ички ишлар министрлиги, СССР Ташқи ишлар министрлиги ва СССР Давлат хавфсизлиги комитети фуқаролик масалаларига оид аризалар ёки тақдимномалар юзасидан ўз хулосаларини ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни СССР Президенти номига юборадилар.

Иттифоқдош республикаларнинг Ички ишлар министрликлари, Ташқи ишлар министрликлари ва Давлат хавфсизлиги комитетлари, автоном республикаларнинг Ички ишлар министрликлари ва давлат хавфсизлиги комитетлари фуқаролик масалаларига оид аризалар юзасидан ўз хулосаларини ва бошқа зарур материалларни тегишли иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларининг Президиумларига ёки олий давлат мансабдор шахсларига юборадилар.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари СССР Президентига, тегишли иттифоқдош, автоном республиканинг Олий Совети Президиумига ёки олий давлат мансабдор шахсига ариза берган ҳар бир кишини СССР фуқаролигига қабул этиш ёки уни тиклаш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида шу жумладан унга республика иш, турар жой ва бошқа қулайликлар бериш имконияти ҳақида далилланган хулосалар тақдим этадилар.

СССР фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги аризаларга оид хулосаларда ариза берувчининг давлат олдида бажарилмай қолган мажбуриятлари ёки унинг гражданлар ёҳуд давлат, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари муҳим манфаатлари билан боғлиқ бўлган мулкий мажбуриятлари хусусидаги, уни айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги ёҳуд унга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган, ижро этилиши лозим бўлган ҳукми мавжудлиги ҳақидаги, ё бўлмаса мазкур шахснинг СССР фуқаролигидан чиқиши СССРнинг давлат хавфсизлиги манфаатларига зидлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам хабар қилинади.

43-модда. **Аризалар ва тақдимномаларнинг СССР Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари комиссиясида дастлабки тарзда кўриб чиқилиши**

Ушбу Қонуннинг 32-моддасида кўрсатилган фуқаролик масалаларини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун СССР Президенти фуқаролик масалалари комиссиясини тузади.

Гражданлик масалаларига оид аризалар ва тақдимномаларни кўриб чиқиш пайтида комиссия ариза берувчининг далилларини, давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг тақдимномаси, хулосаси мазмунини, бошқа ҳужжатларни ҳамда тегишли тарзда расмийлаштирилган гувоҳлик кўрсатмаларини атрофлича таҳлил этади.

Комиссия мазкур шахс кўчиб бормоқчи бўлган иттифоқдош ёки автоном республика Министрлар Советининг уни совет фуқаролигига қабул этиш ёки фуқароликни тиклаш мақсадга мувофиқми ёки йўқми эканлиги тўғрисидаги, шу жумладан республикада унга иш, турар жой ва бошқа қулайликлар бериш имконияти бор-йўқлиги ҳақидаги фикрини эътиборга олади.

Комиссия тегишли давлат идоралари ва жамоат ташкилотларидан ўз ихтиёридаги иш юзасидан материаллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақлидир, бу идора ва ташкилотлар комиссия белгиланган муддатда зарур маълумотни тақдим этадилар.

Комиссия ҳар бир ариза ёки тақдимнома юзасидан СССР Президентига таклифлар ҳавола қилади.

Комиссиянинг қарори протокол билан расмийлаштирилади, уни комиссиянинг мажлисда қатнашган барча аъзолари имзолайдилар.

44-модда. **СССР Президенти томонидан фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг қабул этилиши**

Фуқаролик масалалари юзасидан СССР Президенти Фармонлар чиқаради.

Агар Фармонда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, фуқароликдаги ўзгаришлар СССР Президентининг Фармони чиқарилган кундан бошланади.

Фуқаролик масаласига оид такрорий ариза қоида тариқасида, шу масалага оид аввалги қарордан кейин бир йил ўтгач кўриб чиқилади. Иш учун муҳим бўлган ҳамда ариза берувчига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган вазиятлар вужудга келган тақдирда такрорий ариза илгарироқ ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

45-модда. **Фуқаролик масалаларига оид аризаларни кўриб чиқиш муддати**

Фуқаролик масалаларига оид аризалар ёки тақдимномаларни кўриб чиқиш муддати бир йилдан ошмаслиги керак.

VII. СССР ФУҚАРОЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА ОИД ҚАРОРЛАРНИНГ ИЖРОСИ

46-модда. **Фуқаролик масалаларига оид қарорларни ижро этувчи идоралар**

СССРда доимий яшовчи шахсларга нисбатан фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг ижроси СССР Ички ишлар министрлиги, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Ички ишлар министрликлари, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг ички ишлар бошқармалари, бўлимлари зиммасига, чет элда яшовчи шахсларга нисбатан эса — СССР Ташқи ишлар министрлиги, иттифоқдош республикаларнинг ташқи ишлар министрликлари, совет дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари зиммасига юклатилади.

47-модда. **Паспортлар ва истиқомат учун гувоҳномалар бериш**

Қонунда белгиланган тартибда совет гражданлигини олган шахсларга ички ишлар органлари томонидан ёки совет дипломатия ваколатхоналари ёҳуд консуллик муассасалари томонидан СССР фуқароси паспорти топширилади. 16 ёшга етмаган болаларнинг ҳужжатларига уларнинг СССР фуқаролигига мансублиги ёзиб қўйилади.

СССРда яшовчи ва совет фуқаролигидан чиқарилган шахсларга ички ишлар органлари истиқомат учун гувоҳнома берадилар.

48-модда. **Фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг ижросини назорат қилиш**

СССР Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари комиссияси, шунингдек фуқаролик масалалари юзасидан қарорлар қабул қилган бошқа идоралар фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг ижросини назорат қиладилар.

VIII. ФУҚАРОЛИК МАСАЛАЛАРИГА ОИД ҚАРОРЛАР ЮЗАСИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ

49-модда. **Фуқаролик масалаларига оид қарорлар юзасидан шикоят қилиш**

Фуқаролик масалалари юзасидан иттифоқдош, автоном республикаларнинг Олий Советлари Президиумлари ва олий давлат мансабдор шахслари томонидан фуқаролик масалалари юзасидан қабул қилинган қарорлар хусусида СССР Президентига шикоят қилиниши мумкин. Фуқароликка мансублик тўғрисидаги ҳамда фуқароликдан маҳрум бўлганлик ҳақидаги масалаларга оид қарорлар юзасидан шикоятлар СССР Президенти номига топширилади.

50-модда. **Мансабдор шахсларнинг фуқаролик масалаларига оид ноҳақ хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш**

Фуқаролик масалаларига оид аризаларни қабул қилишдан асоссиз воз кечилганлиги, аризани кўриб чиқиш муддатлари бузилганлиги, шунингдек мансабдор шахсларнинг фуқаролик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартибини ва фуқаролик масалаларига оид қарорларни ижро этиш тартибини бузадиган бошқа ноҳақ хатти-ҳаракатлар қилганлиги хусусида Қонунда белгиланган тартибда тобелик тартибида юқори мансабдор шахсга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

IX. ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

51-модда. **Халқаро шартномаларнинг қўлланилиши**

Башарти, СССРнинг халқаро шартномасида ушбу Қонунда баён этилганидан кўра бошқача қоида белгиланган бўлса халқаро шартноманинг қоидаси қўлланилади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 23 май.

Партия ва партиядошлар ҳақида: съезд арафасидаги ўйлар

ҚАЙТА ҚУРИШ МУВАФФАҚИЯТИ, ТАШКИЛОТИМИЗ ОБРЎСИ УЧУН ҲАММАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Очиғи, ёнида партия билети бўлган кишилар ҳозир мушкул вазиятда қолишган. Биз мансуб бўлган сиёсий ташкилот ҳамма жойда, ҳар бир йиғинда — партия йиғилишларидан тортиб, совет, касаба союз, турли жамоат ташкилотлари кенгашларида, расмий ва «норасмий» уюшмаларнинг митингларида, қўйингки, икки-уч кишилик тор давраларда ҳам адолатли, адолатсиз танқид нишонига айланиб қолди. Баъзи «эпчиллар» ҳатто Ленинга таъна тоши отишгача бориб етдилар.

«Мамлакатни қандай аҳволга солиб қўйишди?! Партия органлари демократияни буғаяпти. Партия мафияси халқни талаяпти...». КПСС аъзоси шу хилдаги таъна-дашномларни эшитмоқда. Ҳамиша «Омманинг авангарди, пешқадами, жамиятимизнинг раҳбар ва етакчи кучи» деган сўзларни эшитишга кўникиб қолган баъзи маслакдошларимиз бундай ҳолатга бардош беролмай КПСС сафидан чиқмоқдалар.

«Партия сафидан чиқаман...» деб ариза берганлар Тошкент тўқимачилик машинасозлик заводида ҳам бор. Аслида митингларда партия билетини намойишкорона ёқиш ҳолларини кўргач, бу заводдаги воқеаларга ҳам ажабланмаса бўлади. Бироқ бизни бир нарса ўйлантириб қўйди. Ушбу корхона довруғи жумҳуриятимизгагина эмас, иттифоқимизга ҳам ёйилган. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган дастгоҳларнинг чет элларда ҳам харидори кўп. Ишчиларнинг маошлари юқори. Одатда одамлар партия ва ҳукумат сиёсатига ўз турмуш шароитларига қараб баҳо беришади. Бинобарин завод коллективининг ишлари, моддий манфаатдорлиги бошқаларга (масалан пахтакорларга) нисбатан анча яхши экан, корхона коммунистлари яна нимадан норози бўлишлари мумкин?

Заводнинг 2-механика цехида 180 киши ишлайди. Цех партия ташкилоти ҳисобида 27 КПСС аъзоси ва 1 аъзоликка номзод бор. Сўнгги икки йил ичида бу ташкилотнинг 6 коммунисти ва бир аъзоликка номзоди партия сафидан чиққан. Партия бюроси секретари Виктор Александрович Ржанников уруш ва меҳнат ветерани, давлатга ҳам, жамиятга ҳам ўтказиб қўйган, мазза қилиб қарилик гаштини суриб уйида ўтириши мумкин. Бироқ кекса ишчи заводга, қадрдон коллективига ўрганиб қолган эмасми, ўзига муносиб енгилроқ иш топиб олган, шу баҳонада одамлар орасида қуйманиб юради.

Партия йиғилишлари ҳужжатларини кўздан кечириш жараёнида КПСС сафидан чиқаётганларнинг барчаси ҳалол, меҳнаткаш, оилапарвар кишилар эканлигига амин бўлиб савол назари билан Виктор Александровичга юзландим.

— Ҳа, уларнинг ҳаммаси фидокор ишчилар. Лекин биз ҳеч кимни мажбурлаб партия сафида ушлаб туришга ҳаққимиз йўқ, — деди кекса коммунист синиққан овозда.

— Улар нимага партия сафидан чиқишмоқда? Балки заводда меҳнат шароити оғирдир?

— Меҳнат шароитимизни ҳар ҳолда японларникига қиёслаб бўлмайди. Лекин асосий сабаб бу эмас. Назаримда улар ҳозирги иқтисодий тангликдан чўчишяпти.

Виктор Александрович сигарет тутатиб, бир-икки тортди-да, гўё тамаки тутуни вужудини исканжага олаётган оғир дардни ташқарига олиб чиққандек енгил тортиб сўзида давом этди:

— Менинг тенгдошларим жамиятимиз пойдеворини қуриб, уни жанг майдонларида ҳимоя қилганлар. Ҳозирги ёшларга қараб беихтиёр ўшаларни эслайман. Бизда аллақандай кўтаринки руҳ, Ватан, партия деган муқаддас тушунчалар бор эди. Ана шу жўшқинлик, муқаддас туйғулар билан дадил жангга кирардик, меҳнатда жасорат кўрсатардик. Тенгдошларимиз қўл учида ишлаш, миллатчилик кайфиятлари нима эканлигини билишмасди. Ярим юпун, оч наҳор юрсак ҳам келажакка зўр ишонч билан боқардик.

30-40 йилларда меҳнатда, ижтимоий ҳаётда, айниқса сиёсий саводхонликда барчага намуна бўлганларгина партия сафига қабул қилинарди. Ҳозир эса меҳнат илғори бўлса бас, партияга қабул қилаверамиз. Меҳнатда пешқадамлик қилишнинг замирида сиёсий онглилик эмас, балки моддий манфаатдорлик ётишини назарда тутадиган бўлсак, партия сафлари ҳозир нимага пароканда бўлаётганини билиш қийин эмас. Урушнинг энг қийин дамларида «Коммунистлар олдинга!» деган машҳур даъват янграрди. Ўшанда партия аъзоларигина эмас, балки бошқа жангчилар ҳам ҳужумга кўтарилиб ўлимга тик боришарди. Жанг майдонида мангу кўз юмаётган қуролдош дўстларимнинг «Мени Ленин партияси аъзоси деб ҳисобланглар» деган сўнгги сўзларини кўп марта эшитганман. Ҳозирги баъзи коммунистлар юксак ғоялар у ёқда турсин, ҳатто аъзолик бадалларини тўлашга ҳам оғринишади...

Виктор Александрович қалбининг туб-тубидан отилиб чиқаётган нидоларини қаяжонсиз тинглаб бўлмасди. У ва унинг тенгдошлари Коммунистик партияни ҳозирги бўлаётган хуружлардан қандай куйиниб ҳимоя қилишаётганини яхши биламиз. Улар шундай тарбияланишган. Уларнинг эътиқодлари кучли.

Тушкунликка тушган коммунистларни кўрганимда хотирамда нохуш из қолдирган партиядошларимиз қиёфаларини эслайман.

Бир неча йил илгари Тошкент вилоятидаги хўжаликларнинг бирида бўлиб ўтган ҳисоботсайлов йиғилишида иштирок этгандим. Нотиқлардан бири — кекса чўпон хўжаликдаги «икки оёқли бўри»ларни номма-ном айтиб, қилмишларини аёвсиз фош қила бошлади. Колхоз раиси ҳам, партком секретари ҳам сукут сақлашар, нажот сўраб, ёнларидаги «катта»га тикилишарди. Шунда минбарда ўтирган райком котиби шартта туриб чўпоннинг сўзини бўлди. Уни раҳбарларни жамоат ичида ҳақорат қилишда айблади ва маъмурий орган вакилига ишора қилди. Милиция ходими эса ҳеч иккиланмай чўпонни олдига солиб кетди.

Котибнинг ўшандаги важоҳати ҳамон кўз ўнгимда. Бу басавлат кишининг қип-қизил юзларида ҳукмдорлик, ўзига чексиз ишонч, залга зарда билан қараётган кўзларида нафрат ўти зоҳир эди. Назаримда у омманинг «ношукурлигидан» бетоқат бўларди.

Партиянинг обрўсини тушираётганлар, ана шу котиб сингари минбарда ўтириб, қуйидагиларни кўрмаётган, уларнинг ғаму-ташвишларини ҳис қилмаётганлар деб ўйлайман.

Ҳозир орамиздан кетган кекса коммунист билан шундай воқеа бўлган эди. У қаттиқ жала қуяётган пайтда сел оқизиб кетаётган болани қутқариб қолади. Ўшанда аъзолик бадали тўлаб келаётган коммунистнинг чўнтагидаги партия билети ҳам ивиб кетади. Райкомда унга янги партия билети топширишаётиб, ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилишади. Коммунист олижаноблиги учун жазоланиш сабабини суриштирганда «тартиб шунақа» деб жавоб беришади.

Партия аъзоларини ҳам, партиясизларни ҳам бездираётган, иккилантираётган нарса айрим партия ташкилотлари иш услубига сингиб кетган мана шу хилдаги маъмуриятчилик, расмиятчилик одатлари эмасмикин?

Ўтган йили Сурхондарёга боргандим. Мақсадим — партияга қайта тикланган бир коммунистга ёрдам бериш эди. Воқеани ўрганар эканман, тўғриси, уни партия сафига қайта тикланганлигига эътирозим кучайди. Ишда ва фарзандларини тарбиялашда қўпол хатога йўл қўйган собиқ мактаб директори мендан «Раҳбарлик лавозимига тикланишимга ёрдам берсангиз» деб илтимос қилди. «Ишлайверинг, яхши раҳбар бўлсангиз, одамларнинг ўзлари қайта сайлаб олишади», десам кўнмайди. Унга райком котиби монелик қилаётган эмиш. «Мен, ука, — дейди собиқ директор, — ўқитувчиликдан чиқиб қолганман. Болаларнинг қий-чуви қулоғимга ёқмайди. Раҳбарликда эса катта тажрибага эгаман». Очиғи димоғдор, мансабпараст бу одамнинг гапларини эшитиб иситмам чиқиб кетди. Айтингчи, биродарлар! Болаларнинг шовқин-сурони ёқмаган ўқитувчи тарбия масканини бошқара оладими? Сиз унга фарзандингиз тақдирини ишониб топширармидингиз? Бу одам буюк Шолоховнинг партияга амал учун кирмоқчи бўлган Шукар бобосини эслатмайдими?

Қайта қуриш силсиласи, демократия ва ошкораликнинг чуқурлашуви ўша директорга ўхшаш амалпарастлар тагига сув қуйди, эл назаридан қолдирди. Бироқ ҳамиша минбарларда виқор билан ўтиришга, ҳаётга хизмат автомобилининг ойнасидан боқишга, жамиятимиздаги мавжуд барча имтиёзлардан фойдаланишга ўрганиб қолган бу «расмий шахс»лар тақдирга тан бериб тинч ўтиришмаяпти. Улар лавозимлар шахсий садоқатига қараб тақсимланадиган, унвон-у мукофотлар телефон орқали ҳал қилинадиган даврларни қўмсашади. Мамлакатнинг турли бурчакларида рўй бераётган нотинчликларда, партия обрўсини туширишга интилишларда уларнинг қўли йўқ, деб ким кафолот бера олади.

«Расмий шахс»лар партиявий ишда чуқур илдиз отган расмиятчилик фарзандларидир. Партия ташкилотлари томонидан берилган характеристикаларга кўз югуртиринг. Уларнинг мазмуни деярли бир хил: «ғоявий чиниққан, принципнал, камтарин, талабчан ва ҳоказо». Биз оғиз кўпиртириб мақтаган ана шу таърифи йўқ инсон лавозим, мансаб ҳавосини олгандан сўнг бирдан ўзгариб қолади.

Лекин улар гурунч ичидаги курмак, холос. Ахир марксизм-ленинизм таълимоти, социализм принциплари бузилиши оқибатида рўй берган хатоликларга бутун бошли Коммунистик партияни айбдор қилиш тўғри бўлармикан? Ҳамма нарса — одамлар тақдири, мамлакат тақдири, тор кабинетларда ҳал қилинадиган маъмурий-буйруқбозлик, яккаҳокимлик даврида йўл қўйилган нуқсонлар учун Ватан ҳимоясида жонини жабборга берган, урушдан сўнг ҳалол ишлаб, ҳалол яшаётган Ржанниковни, умри пахта даласида ўтаётган бўзлик деҳқон Мамасидиқни, қуриётган дениз бўйида занглаган кемасига хасрат билан боқиб ўтирган балиқчи Ўрозбойни, эсини таниб, уйининг тўрида ипак қурти боқиб келаётган хўжакентлик Ҳабиба аяни айблаш адолатдан бўлармикан? Пишлоқ ўғирлаган ҳаккани деб бутун қушлар галасига ўқ отиш инсофдан эмасдиров.

Такаббур коммунистларга дуч келганимда беихтиёр доҳий В. И. Ленин сиймоси кўз ўнгимда гавдаланади. «Ленин, — деган эди 1918 йили сормоволик ишчи Дмитрий Павлов М. Горький билан суҳбатда: — ҳақиқатнинг ўзидек оддий эди». Ҳа, доҳий юриш-туришда ҳам, кийинишда ҳам атрофдагилардан ажралмасликка интиларди. Ўзига, қариндошуруғларига бирон имтиёз яратилишига асло йўл қўймас, лавозимини суиистеъмол қилаётган коммунистларни аёвсиз жазоларди. У мақтанчоқлик, димоғдорлик ва тўрачиликка чидай олмасди. Ленин «биринчи душман — коммунистик мақтанчоқлик, иккинчиси — саводсизлик ва учинчиси — порахўрлик», — деб ҳисобларди.

Мактаб ўқувчиларидан бири «Коммунистнинг партиясиздан фарқи нимада?», деган саволга «Коммунистнинг ёнида партия билети бўлади», — деб жавоб бергани ёдимда. Ўқувчини болаларча соддаликда айблашга шошилманг. Келинг, яхшиси унинг жавоби устида мулоҳаза қилайлик. Дарҳақиқат, биз партиясиз кишилардан қайси фазилатларимиз билан ажралиб турамиз? Кекса коммунист Ржанников сингари ҳаммамизнинг ҳам эътиқодимиз, иродамиз, имонимиз бутми?

Партия билети — муқаддас мандат. Бироқ у виждон, ор-номус ва диёнат ўрнини босолмайди. Уни пеш қилиб мавқе талашишга, имтиёз ва енгиллик ахтаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ленин таъбири билан айтганда бундай коммунистлардан кўра, ўз вазифасини виждонан бажариб юрган, энг яхши инсоний фазилатларга эга бўлган партиясиз меҳнаткаш минг марта афзал.

Давр бизни оғир имтиҳондан ўтказмоқда. Коммунистик партия жамиятнинг барча жабҳаларини қайта қуриш ташаббускори бўлди ва бу йўлни изчил олиб бормоқда. Партиянинг ички ҳаётида ҳам жиддий ислоҳотлар юз бермоқда. Давр синовининг оғирлиги шундаки, эндиликда, партиямиз ҳақиқатан ҳам етакчи куч эканлигини бошқа ташкилотлар билан рақобатда исбот қилиши даркор. Ғоялар кураши, иродалар кураши кетмоқда. Бу курашдан кимлардир чўчимоқда, кимлардир саросимага тушмоқда. Иккиланаётганларни ўз сафимизда ушлаб туришга ҳаққимиз йўқ. Қолаверса, бунинг ҳожати ҳам йўқ. Зотан, сафимиздан чиқаётганлар назаримда ўзларига ҳам, бизга ҳам фойдали иш қилишмоқда.

Азиз маслакдош! Жумҳуриятимиз партия ташкилоти кейинги йилларда жуда кўп ибратли ишларни амалга оширмоқда. Аммо бу осонлик билан бўлаётгани йўқ. Ҳаммамиз бир жон бир тан бўлиб унинг атрофига жипслашсаккина ишимиз янада унумли ва салмоқли бўлади. Қайта қуриш истиқболи, ташкилотимиз обрўси учун ҳаммамиз масъулмиз.

Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти соҳиби.

СССР Олий Советининг қарори

«СССР фуқаролиги тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. «СССР фуқаролиги тўғрисида»ги СССР Қонуни 1991 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киритилсин.

2. «СССР фуқаролиги тўғрисида»ги СССР Қонуни ушбу қонун кучга киритилганидан кейин, яъни 1991 йилнинг 1 январидан бошлаб юзага келган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилади.

3. «СССР фуқаролиги тўғрисида»ги СССР Қонуни кучга кирган пайтдан бошлаб қуйидаги қонунлар:

«СССР фуқаролиги тўғрисида»ги 1978 йил 1 декабрдаги СССР Қонуни (СССР Олий Совети ахборотномаси, 1978 йил, 49-сон, 816-бет);

«СССР фуқаролиги тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш ҳақида»ги 1978 йил 1 декабридаги СССР Олий Советининг қарори (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1978 йил, 49-сон, 817-бет);

«СССР фуқаролиги тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида»ги 1979 йил 15 июндаги СССР Олий Совети Президиумининг Фармони (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1979 йил, 25-сон, 436-бет);

«СССР фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни СССР Олий Совети Президиумида кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 1981 йил 6 январдаги СССР Олий Совети Президиумининг Фармони (СССР Олий Совети Президиуми мажлислари протоколи, 1981 йил, 33-сон, 3-банд);

«СССР фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни СССР Олий Совети Президиумида кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1987 йил 13 апрелдаги СССР Олий Совети Президиумининг Фармони (СССР Олий Совети Президиумининг протоколи, 1987 йил, 61-сон, 63-банд).

4. «СССР фуқаролиги тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар фуқаролиги ҳақидаги қонунлар кучга киргунга қадар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар фуқаролиги тўғрисидаги амалдаги Қонун ҳужжатлари қўлланилади, чунки улар ушбу Қонунга зид келмайди.

5. СССР Министрлар Совети 1991 йилнинг 1 январигача СССР ҳукумати ҳужжатларини «СССР фуқаролиги тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштирсин ҳамда СССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари мазкур Қонунга зид келадиган норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқишларини ёки бекор қилишларини таъминласин.

6. Иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советлари иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларини «СССР фуқаролиги тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштирсинлар.

СССР Олий Советининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 май.

СОВЕТ НЕМИСЛАРИ МУАММОЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИДА

Давлат комиссияси ўзининг навбатдаги мажлисида Қозоғистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. С. Омербоеванинг жумҳуриятда истиқомат қилаётган қарийб бир миллион совет немислари муаммоларини ҳал этиш, уларнинг миллий анъаналари, маданияти ва тилини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги маърузасини тинглади. Жумҳуриятда Совет немисларидан 400 дан кўпроқ киши партия, Совет органларида раҳбарлик ишларига кўтарилган, 169 киши совхозларга директорлик қилмоқда. Ҳар ўн колхоздан бирини немисларнинг вакиллари бошқармоқда. Беш киши СССР халқ депутатлари этиб, ўн киши Қозоғистон ССР Олий Советига, 8708 киши халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайланган. Совет немислари учун она тилида ҳафталик телевизион ва радиоэшиттиришлар ташкил этилган. «Фройндшафт» газетаси нашр этилмоқда.

Комиссия СССР Давлат халқ таълими комитетига, СССР Давлат матбуот комитетига, СССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитетига, СССР Маданият министрлигига немис тилида бадиий ва ўқув-методик адабиётлар нашр этишни, радио ва телевидение орқали эшиттириш ва кўрсатувларни кенгайтиришда, миллий кадрлар: педагоглар, журналистлар, маданият ходимларини тайёрлашда Қозоғистон ССРга зарур ёрдам бериш вазифасини топширди. Қозоғистон ССР Министрлар Советига совет немисларининг «Уйғониш» Бутуниттифоқ жамияти жумҳуриятташкилотининг амалий фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш, жумҳуриятнемис маданият марказини ташкил этиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш, немис миллий маданияти, тили, анъаналарини ривожлантиришга оид комплекс программани тайёрлаш ва қабул қилишни жадаллаштириш, совет немислари жам бўлиб яшайдиган жойларда миллий районлар, қишлоқ ва посёлка советлари ташкил этиш имкониятини ўрганиш вазифаси юклатилди.

СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети, СССР Маданият министрлиги ва СССР Давлат халқ таълими комитетининг совет немисларининг таълимга ва немис миллатига мансуб кардларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш комплекс программасини ишлаб чиқишлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Программада миллий мактабгача тарбия ва мактаб муассасаларини ташкил этиш билан бирга ўрта махсус ва олий ўқув юртлари очиш, улар учун ўқув программалари, методик ва ўқув адабиётлари, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, немис ёшлари гуруҳларини немис тилида гаплашувчи мамлакатларнинг ўқув юртларига ўқишга юбориш кўзда тутилади. Шу йилнинг ўзидаёқ немис аҳолиси жам бўлиб яшайдиган жойларда немис мактаблари очиш, олий ўқув юртларида она тилида турли ихтисосларга ўқитиш учун студентлар қабул қилиш таклиф этилди. Программа лойиҳаси «Уйғониш» жумҳурият жамиятлари иштирокида иттифоқдош жумҳуриятлар министрлар Советлари муҳокамасига юборилди.

Меҳнат армиясига чақирилувчиларнинг мақоми тўғрисидаги ва совет немисларининг ҳуқуқларини чекловчи барча қонун ҳужжатларини бекор қилиш ҳақидаги, шунингдек совет немисларининг съездини тайёрлашга доир таклифларни тайёрлаш ишлари қандай бораётганлигига оид ахборот тингланди.

Мажлисни давлат комиссиясининг раиси, СССР Министрлар совети Раисининг ўринбосари В. К. Гусев олиб борди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ 30—40-йиллар ва 50-йилларнинг бошидаги даврда бўлган қатағон билан боғлиқ материалларни қўшимча равишда ўрганиш комиссиясида

Комиссиянинг А. Н. Яковлев раислигида бўлиб ўтган мажлисда «Султон-Галиев аксилинқилобчи ташкилоти» деб аталган иш юзасидан жиноий жавобгарликка тортилган гражданларни оқлаш билан боғлиқ материалларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида СССР Прокуратураси ва СССР Олий судининг ахбороти тингланди.

«Миллий оғмачиликка» қарши сунъий равишда авж олдирилган кураш тўлқинида вужудга келган бу жиноий ишни 1928 йилнинг охирида ОГПУ органлари тўқиб чиқарган эдилар. Миллатлар ишлари халқ комиссариати коллегиясининг аъзоси М. Х. Султон-Галиев ҳамда бошқа 76 нафар совет, хўжалик ходимлари ва илмий ходимлар, ишчилар, деҳқонлар, ҳунармандлар, студентлар мамлакатда террор ва қуролли қўзғолон қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган аксилинқилобчи ташкилот қатнашчилари деб сохта айбланган эдилар. Материалларни ўрганиш ҳақиқатда бундай ташкилот бўлмаганлигини кўрсатди.

Шунга қарамай ОГПУ коллегиясининг 1930 ва 1931 йилларда қабул қилган қарорларига мувофиқ ана шу ишга тортилган гражданлар турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинди ва бадарга қилинди. Кейинчалик уларнинг кўплари аслида яна ўша сабаб билан тағин ҳам қаттиқроқ жазо чораларига маҳкум этилди, баъзилари эса, шу жумладан, М. Х. Султон-Галиев ҳам отиб ташланди.

СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 16 январдаги Фармонига мувофиқ ОГПУ коллегиясининг шу иш юзасидан чиқарган қарори бекор қилинди ҳамда ушбу иш билан ҳукм қилинган С. И. Абдурахимов, А. И. Агеев, Ф. И. Агеев, А. К. Адигамов, О. Х. Оқбўлатов, А. А. Акжитов, Ф. А. Акжитов, А. К. Альбетков, И. Х. Ассанович, Г. М. Атласов, Б. И. Бадамшин, С. А. Боқиев, Х. С. Балбеков, А. Х. Беркутов, А. И. Бикбавов, Г. А. Бекжонов, М. З. Беқкулов, М. Ю. Брондуков, З. В. Валиев, М. Р. Вергазов, Х. М. Вергазов, И. З. Вильданбек (Эшмуҳамедов), А. М. Енбоеев, Н. Ш. Еникеев, И. Х. Ингильдиев (Ингўльдиев), Х. М. Исҳоқов, М. Г. Курамшин, И. Ф. Мақсутов, М. М. Мамедов, Г. Г. Мансуров, Х. А. Москов, Р. С. Муллабоев, А. А. Мусин, К. Муҳаммаджонов, К. Ғ. Мухторов, Г. Г. Нурбахтин, М. С. Салимов, Х. К. Тагиров, И. Х. Терегулов, Х. З. Тляубердин, У. Х. Тюменев, А. И. Урманче, Б. И. Урманче, И. К. Фирдавс, И. С. Хонтемир, В. Шамситдинов, А. Д. Шарафутдинов (Шарафи), И. С. Шохмаметьев, Х. Ш. Ширин, Ф. Я. Юламанов, Х. С. Ягафаров (Ягофаров, Жагафаров) ва А. Г. Ягудин оқландилар.

Турли вақтларда У. Ю. Бабиков, А. А. Баширов, М. К. Будейли, З. Х. Блушев, Абдумараҳмон Х. Бурнашев, Ориф Х. Бурнашев, О. Г. Дерен-Айераи, Г. Г. Галиеев, З. Х. Ерзина, В. И. Исҳоқов, Г. М. Мулюков, С. Г. Мурзабулатов, Р. А. Собиров, Г. К. Салимьянов, С. Х. Сюнчелей, З. И. Танкачеев, С. Я. Умеров ва И. Ф. Файзулин суд йўли билан оқланган эдилар.

СССР Олий судининг пленуми Олий суд ҳарбий коллегиясининг 1939 йил 8 декабридаги М. Х. Султон-Галиевни олий жазога қилган ҳукмини бекор қилди ва жиноят таркиби йўқлиги сабабли бу ишни тўхтатди.

Комиссия СССР Прокуратураси ва СССР Олий суди ахборотларини маълумот учун қабул қилди.

Сўнгра комиссия КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия назорати комитетининг «Султон-Галиев аксилинқилобчи ташкилоти» деб аталган иш юзасидан ҳукм қилинган ва асоссиз равишда партиядан ўчирилган шахсларнинг партиявийлиги тўғрисидаги ахборотини тинглади. Г. Г. Галеев, А. М. Енбоев, М. Г. Курамшин, Г. Г. Мансуров, М. Г. Мухторов, Г. К. Салимьянов, М. Х. Султон-Галиев, С. Я. Умеров КПСС сафига тикланди. Бундан олдин М. К. Будейли, З. Х. Булушев, М. Ю. Брундуков, О. Г. Дерен-айерли, В. И. Исҳоқов, М. М. Курмеев, Р. А. Собиров партиявий жиҳатдан оқланган эдилар.

А. К. Адигамов, У. Ю. Бабиков, Х. А. Москов, Ғ. С. Муллабоев, Г. М. Мулюков, С. Г. Мурзабулатов, С. Х. Сюнчелей, А. И. Урманче ва И. К. Фирдавс-ларнинг партиявийлиги масаласи КПСС Татаристон ва Бошқирдистон вилоят комитетларида кўриб чиқилмоқда.

Мазкур иш пайдо бўлишидан анча олдин, сиёсий айблаш билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра партиядан ўчирилган Х. С. Балбековга нисбатан партиявий жиҳатдан оқлаш учун асос топилмади.

Комиссия КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия назорати комитетининг 20-30-йилларда «миллий оғмачилик» деб аталган асоссиз сиёсий айб қўйилган кишиларни партиявий жиҳатдан оқлаш билан боғлиқ равишда маҳаллий партия органларида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотини ҳам тинглади. Ана шу баҳонада сунъий равишда сохта ишлар тўқиб чиқарилган, партия ва совет ходимлари, миллий зиёлилар таъқиб этилган эди. Ҳозирги вақтда маҳаллий партия органлари, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия назорати комитети, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябрь Пленуми топшириқларини бажара бориб, «миллий оғмачилик» деб аталмиш иш билан боғлиқ материалларни текширмоқдалар. Комиссия мажлисида бу ишни қисқа муддатда тугаллаш зарурлиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия назорати комитетининг комиссияга жиноий тартибда қайта кўриб чиқилган ва тўхтатилган «Троцкийчиларнинг Советларга қарши мувозий маркази», «Бутуниттифоқ Троцкий маркази» ва «Эйсмонт, Толмачев ва бошқаларнинг партияга қарши аксилинқилобий тўдалари», «Т. В. Сапронов ва В. М. Смирновларнинг аксилинқилобчи децистчи ташкилоти» ва «И. Н. Смирнов, В. А. Тер-Ваганян, Е. А. Преображенский ва бошқаларнинг аксилинқилобий троцкийчи гуруҳлари» деб аталган сохта ишлар билан маҳкум этилган коммунистлар ишининг кўриб чиқилиши якунлари ҳақида ахборот берди.

«Троцкийчиларнинг Советларга қарши мувозий маркази» иши юзасидан ҳукм қилинган В. В. Арнольд (Васильев), Я. Н. Дробнис, Я. А. Лившин, Н. И. Муралов, Ю. Л. (Г.) Пятаков, К. Б. Радек, (Собельсон), С. А. Ратайчак, Г. Я. Сокольников (Бриллиант) ва А. А. Шестов партия сафига тикландилар, уларга қўйилган сиёсий айб асоссиз деб эътироф этилди. Бундан олдин М. С. Богусловский, И. И. Граше, И. А. Князев, Б. О. Норкин, Г. Е. Пушин, А. П. Серебряков ва И. Д. Турок партия сафига тикланган эдилар.

«Бутуниттифоқ троцкийчилар маркази» иши қатнашчилари Ю. А. Азагаров (С. Е. Гринблат), А. А. Бабаянц, М. Я. Блохин, Л. А. Вольфсон, Я. В. Гофлин, Г. Б. Дземянович, М. Е. Дюмин, А (Александр). П. Казлас, А (Альберт). П. Казлас, Н. А. Кожевников, С. В. Кузнецов, А. Е. Михайлов, И. С. Пархомов, Н. А. Стасий, А. Н. Файнберг, К. Т. Фонасов, Л. И. Хейфец ва В. П. Шаговлар ҳам партиявий жиҳатдан оқландилар. Бундан олдин Л. Д. Миротадзе билан Г. Д. Угрюмов партия сафига тикланган эдилар.

И. В. Ветчинников билан И. П. Ключников ишлари юзасидан ўтказилган текширишлар улар партиядан кейинчалик қўйилган асоссиз сиёсий айбларга алоқаси бўлмаган сабаблар билан ўчирилганлигини кўрсатди.

«Эйсмонт, Толмачев ва бошқаларнинг партияга қарши аксилинқилобий тўдалари» иши юзасидан ҳукм қилинган В. Ф. Попонин партиявий жиҳатдан тикланди. Н. Б. Эйсмонт билан В. Н. Толмачев олдинроқ партия сафига тикланган эдилар. «Т. В. Сапронов ва В. М. Смирновларнинг аксилинқилобий децистчи ташкилоти» деб аталган иш юзасидан асоссиз қатағон қилинган Т. В. Сапронов партиявий жиҳатдан оқланди. Шу ишда қатнашган В. М. Смирнов партияга олдинроқ тикланган эди.

«И. Н. Смирнов, В. А. Тер-Ваганян, Е. А. Преображенский ва бошқаларнинг аксилинқилобчи троцкий тўдалари» иши юзасидан ўтган З. Г. Аршавский, В. Х. Аусcем, И. П. Белевич, М. А. Беляев, Н. М. Блискавицкий, Л. И. Бронштейн, М. П. Васильев, П. И. Венцскус, Д. С. Гаевский, Л. Г. Гинзбург, В. Б. Глан-Глубос, М. Г. Голодец, М. Л. Гринченко, М. П. Дмитриев, Э. Б. Довжик-Бровер, С. С. Епихин, М. Г. Зельцер-Рохкина, М. Н. Иванов, В. В. Ивашкин, Ч. М. Козловский, А. А. Константинов, М. И. Красавин, М. К. Кузьмин, М. С. Лавут, Г. Н. Левитан, В. В. Летунов, Б. С. Лившиц, С. М. Липензон, В. А. Литвинов, И. И. Лошченов, А. С. Любич, И. А. Малеев, Н. И. Меклер, Я. М. Миримович, Т. И. Мягкова, А. А. Невжинский, Г. О. Ножницкий, Н. С. Окуджава, Я. О. Охотников, Н. А. Палатников, П. В. Переверзев, В. М. Поляков, Е. А. Преображенский, С. Г. Рабинсон, И. С. Радин (Зингерман), Р. Б. Рафаил (Фарбман), Л. Я. Садовский, А. Н. Сафонова, Р. Н. Сахновский, Н. Е. (А.) Симбирский, М. Р. Соркина, Ф. Д. Столова, О. М. Танхилевич, М. И. Толмачева, Н. И. Уфимцев, Б. Н. Фишман, А. Д. Чаговский, А. М. Шабион, Л. Н. Шрейбер, А. Л. Яичников ва В. К. Яцек партиявий жиҳатдан оқландилар.

Ана шу «иш» қатнашчиларидан Б. М. Зильберштейн, И. Н. Смирнов, В. А. Тер-Ваганян ва М. С. Югов илгари партияга тикланган эдилар.

Я. Ю. Алтаев-Дзюбин ва Д. В. Вержбловский партиявий жиҳатдан оқланмадилар, чунки улар сиёсий айб қўйилгани учун эмас, балки партия одобига тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатлари учун партиядан ўчирилган эдилар.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия назорати комитетининг ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

Комиссия мажлисида Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг армия сиёсий ходимларининг катта қисми «1928 йилги армия ички оппозицияси» деб аталган иш юзасидан 1937-39 йилларда ғайриқонуний равишда партия ва суд жавобгарлигига тортилгани хусусидаги хати кўриб чиқилди.

Ана шу ишнинг барча тафсилотларини қўшимча равишда ўрганиш натижасида ҳақиқатда бундай оппозиция бўлмаганлиги аниқланди. Ушбу «оппозиция»га дахлдорликда айбланган коммунистларнинг фаолияти партияга қарши тусда бўлмаган ҳамда партиявий ва ҳарбий қурилиш масалаларига доир қатъий кўрсатмаларга эга бўлмаган. Шу иш қатнашчиларига қўйилган ҳамма айблар замнисиз, уларнинг партиявий ва суд жавобгарлигига тортилиши эса асоссиз бўлган.

Бош ҳарбий прокуратурага, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси партия комиссиясига шу иш юзасидан ўтган шахсларни суд йўли билан ва партиявий жиҳатдан оқлашга доир материалларни яқин вақт ичида кўриб чиқиш тавсия этилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг комиссияси мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси В. А. Крючков ва СССР Президентлик кенгашининг аъзоси В. И. Болдин қатнашдилар.

Комиссия ўз ишини давом эттирмоқда.

● НАЗМ ДАФТАРИДАН — Шамси ОДИЛ

КОММУНИСТСАН

Она-Юртни Волидам деб бил,
Сени ҳам ўз ўғлим деяр эл,
Ёру дўстга очиқ бўлсин дил
Кек сақлама, ғаразни бас қил
Гар коммунистсан.
Жабҳа бўйлаб қизғиқ қўзғалиш.
Қайта қуриш, бу оғир ташвиш.
Эркак — аёл, бола-бақра иш —
Юмуш дея, билмас ҳеч ҳориш,
Сафларда бўл
Гар коммунистсан!
Ваъдабозни, манманни боғла,
Кеккайганни тўғри йўлга сол.
Амалпараст тез топмиш завол,
Ҳали тўра бордир кўп жойда...
Меҳнаткашдан кушойиш, фойда.
Мансабпараст қилмишин фошла —
Гар коммунистсан!
Тутган йўлинг Лениндек бўлсин,
Душман титраб, дўст завқ-ла кулсин.
Виждони пок саломат бўлсин,
Доим яша, курашгин бардам,
Эл хизматин енгил эт ҳар дам,
Гар коммунистсан.

ТЎРТЛИКЛАР

Билимга эга бўлган, мансабга эга бўлур,
Ҳунарга эга бўлсанг, эгасан хазинага.
Майли, недан бахт топсанг, бошинг кўкка кўтарма,
Вазминликда замин бўл, ҳеч бойлик тенгмас унга.

* * *

Боғбонсиз боғ мисли чўл-ёбон,
Бекасиз уй — сувсиз тегирмон.
Ўқсиз милтиқ косовдан ёмон,
Ақл билан улуғдир инсон!

* * *

Ит очиқ эшикка тумшуғини суқади,
Доим чўнтагинг очиқ, лек, оғланг бекик тут.
Беҳаёлар мажлисин ташлаб этмасанг юқади,
Кулдаги зиғирдай чўғ, ўтини олдирар ўт.

* * *

Серҳарҳаша дунёда кўп мол ила мулк ортиқдир,
Насиб қилганин ерсан, зиёдига йўқ имкон.
Табиат саховати — юрт тинчлиги тортиқдир,
Ютганинг — ўзингники, чайнаганинг-чи — гумон.

* * *

Отаси марҳум одам, ота қадрин билади,
Бурда нонга зор бўлган, ушоқ қадрин билади.
Отасиз етим эдим, нон азиз аниқдан ҳам,
Жанг йилларин эсласам, о, йиғлагим келади...

* * *

Офтоб чоғи соя бўлмай мен сенга,
Ёмғир ёғса, бўлай жонон шамсиянг.
Сен ол гулсан, йўқ бермасман ҳеч кимга,
Қуёшдан ҳам ёруғ сенинг пешонанг.

* * *

Яхшиликни чўнг қояга ўхшатгум,
Энг меҳрибон ҳамсояга ўхшатгум,
Бир яхши кун ато бўлмиш олам ҳам,
Яхши кишин мен дояга ўхшатгум...

* * *

Ақлий меҳнат ўткир тиғ, ё чалғи янглиғ
Ишлатганинг сари дами бўлмишдир кескир.
Пўлат шамширни ҳам ишлатмай қўй-чи
Занглагач ундан ўткир қозонда капгир.

«Фотоконкурс—90»

ПОЛВОН ЎГИТЛАРИ. Суратқаш В. Молгачев.

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

31 май куни кечаси Андижон областининг Қўрғонтепа ва Жалолқудуқ районлари тоғ олди зонасидаги уй-жойлар ва далалар жала остида қолди, жала дўлга айланди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, Қўрғонтепа районидаги «Савай», Ҳамза номли совхозлар, «Комсомол» колхозида, Жалолқудуқ районидаги «Ғалабанинг 30 йиллиги» ва Карл Маркс номли колхозларда 1100 дан ортиқ уйни сув босди. 465 тадан ортиқ уй нураш ҳолатига келиб қолди, 50 та уй вайрон бўлди.

Салкам 9 минг гектар ердаги экинга, жумладан 6400 гектар майдондаги ғўзага шикаст етди. 1200 гектар майдондаги ғўза бутунлай нобуд бўлганлиги аниқланди. Айниқса «Савай» совхозининг биринчи бўлимидаги уйлар ва экинларга катта зарар етди. Вилоят ҳамда шикастланган районларнинг партия, совет ва хўжалик идоралари одамларни, жамоат молларини қутқариш чораларини кўрдилар. Яхшиямки, одамларга талофат етмади.

Ҳозир уй-жойлардан, жамоат биноларидан сув чиқариб ташланмоқда, одамлар иссиқ овқат билан, табиий офат оқибатларини тугатиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар билан таъминланмоқдалар, бошпанасиз қолган оилалар тундаёқ хавфсиз жойларга кўчирилди ва жамоат биноларига ҳамда юртдошларнинг уйларига жойлаштирилди. Сел етказган зарар миқдори аниқланмоқда.

К. НИЗОМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

• Спорт •

ВЕЛОПОЙГА:

ФАХРЛИ ЎРИН

Италия йўллари бўйлаб давом этаётган халқаро турнирда совет велосипедчилари муваффақиятли иштирок этолмаяптилар. Бундай пойгаларда ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлиб юрган тошкентлик Жамолиддин Абдужабборов ҳам пойгачилар ўртасида бориш билан қаноатланаётган эди. Лекин у, 13-босқич пойгасида ўзини кўрсатди. 224 километрли пойганинг сўнгги уч юз метрли масофасида астойдил ҳаракат қилиб, маррада иккинчи бўлишга муваффақ бўлди. Италиялик М. Чиполини билан А. ди Баско фахрли биринчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Москва велотрекида эса ўсмирлар ўртасида СССР чемпионати ўтказилди. Жаҳон биринчилигига кучлиларни саралаш баҳсига айланган бу курашда тошкентлик Александр Зайцев 4 километрга қувлашма ва гуруҳ пойгасида зафар қучди.

●

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

РЕКОРДЧИДАН ЎЗИБ

Севилияда ўтказилган халқаро мусобақада донецклик лангар билан сакраш устаси, жаҳон рекордчиси Сергей Бубканинг омади келмади. У 563 сантиметрли натижа кўрсатди. Унинг издоши, тошкентлик Радион Гатаулин эса ўзини кўрсатди. Спортчимиз 5 метру 83 сантиметрли маррадан ўтиб, ғалаба қозонди.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

С. Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтининг ректори

ВАКАНТ ЛАВОЗИМИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда, Низомга асосан, илмий ва ташкилотчилик тажрибасига эга. 65 ёшгача бўлган профессорлар ва фан докторлари иштирок этишлари мумкин.

Конкурсда иштирок этиш учун ҳужжатлар қабул қилиш муддати эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади. 700078, Тошкент шаҳри, Парадлар хиёбони, 5-уй.

Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги, кадрлар ва халқ таълими органлари билан ишлаш бошқармаси, 504-хона. Телефонлар: 39-16-69, 39-40-82.

СБЕРЕГАТЕЛЬНЫЙ БАНК СССР

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

СССР молия вазирлиги томонидан 1990 йилда узоқ муддат фойдаланиладиган молларни харид қилиш учун фоизсиз бир мақсадга қаратилган

ДАВЛАТ ЗАЁМЛАРИ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ЧИҚАРИЛГАН

Бир мақсадга қаратилган заёмлар облигациялари аҳолига кунгилли равишда тарқатиш учун мўлжалланган қимматли қоғозлар ҳисобланади.

СССР Жамғармалар банки бўлимлари бир мақсадга қаратилган заёмлар облигацияларини фуқароларимизга корхоналар томонидан тақдим этилган маҳаллий Советлар ижроия комитетлари тасдиқлаган рўйхатлар ва фоизсиз бир мақсадга қаратилган заёмлар бўйича моллар сотиб олиш ҳуқуқи берилган меҳнат жамоаларининг тасдиқланган рўйхатлари асосида сотилади.

Заёмлар облигацияларининг қийматини қуйидаги моллар тариқасида олиш мумкин: «Волга» ГАЗ-2410, «Москвич»-2114 ва 2142, «Жигули» ВАЗ-2109, ВАЗ-2199 ва ВАЗ-2108, «Таврия» запорожеци ЗАЗ-1102 автомобиллари, жажжи тракторлар, видеомагнитафонлар, кажавали мотоцикллар, уч камерали «ЗИЛ» холодильниклари, «Минск» «Бирюса» (икки ва уч камерали) холодильниклари, IV авлод рангли телевизорлар, шаҳсий рўзғор компьютерлари, «Зигзаг» тикув машиналари, «Вятка-автомат» кир ювиш машиналари, СВЧ печлари.

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТ БАНКИ.

ЖУМҲУРИЯТ ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ ВА МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ ИШЛАРИ ИЛМИЙ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ

«УСТО» ХАЛҚ УСТАЛАРИ БИРЛАШМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

1 ИЮНДАН БОШЛАБ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА ЖУМҲУРИЯТ ХАЛҚ УСТАЛАРИНИНГ МАНЗАРАЛИ АМАЛИЙ САНЪАТИ КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

4, 8 ИЮНДА

«ЖУМҲУРИЯТ ХАЛҚ УСТАЛАРИНИНГ НОЁБ БУЮМЛАРИ» ҚИМ ОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Сопол буюмлар, бадиий санъатнинг ажойиб намуналари, турли хил рўзғор асбоблари, шунингдек ягона нусхада тайёрланган заргарлик буюмлари каби амалий санъат асарларини харид қилмоқчи бўлганлар таклиф қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 10-уй. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси. 34-54-50, 34-40-31 телефонлари орқали қўшимча маълумотлар олиш мумкин.

Кўргазма ва ким ошди савдосига хуш келибсиз!

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

• 4 июнь, душанба

ЎзТВ-I. 9.50 Ўзбекистон Компартияси XXII съезднинг очилиши. Тошкентдаги Санъат саройидан олиб кўрсатилади. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Химия. 18.10 Мультфильм. 18.15 Болалар учун концерт. 19.00 Академик Ғ. А. Мавлонов туғилган куннинг 80 йиллигига. 19.30 Ахборот. 19.50 «Нур». Теленовелла. 20.30 Время. 21.00 Ахборот. 21.20 Ўзбекистон Компартияси XXII съездида.

ЎзТВ-II. 18.00 Томошабин ва санъат. 18.45 Телефильм. 19.05 «Муҳаббат можароси». Бадиий фильм. **ФРУНЗЕ.** 20.30 Время. 21.00 «Туйғулар». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Ҳужжатли фильм. 8.35 Концерт. 8.55 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 10.40 Мультфильм. 11.00 Ҳайвонот оламида. 12.00 Время. 15.45 Концерт. 16.00 Болалар соати. 17.00 «Пульс—90». 18.00 Время. 18.30 Мультфильмлар. 18.55 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Бадиий фильм, 3 ва 4-сериялар. 20.30 Время. 21.00 Олам кинокамера кўзгусида. 22.00 Коллаж. 22.05 Адабий-бадиий программа. 00.05 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия. 8.15 Болалар учун фильм. 8.20 «Чашмалар». 9.50 Ҳужжатли фильм. 10.10 Концерт. 10.30 Мультфильм. 10.50 Ҳужжатли фильм. 10.20 «Қалбим нафис сандиқ, унга қувонч жойланган». 16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 17.00 Теннис. Франция чемпионати. 18.30 Время. 19.00 Рангларнинг мусиқий олами. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Ҳужжатли фильм. 20.05 Коллаж. 20.10 Волейбол. 21.10 «Ҳамдўстлик» видеоканали.

• 5 июнь, сешанба

ЎзТВ-I. 11.30 Табиат ва биз. 12.10 «Муҳаббат можароси». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Она тили. 18.10 Мультфильм. 18.20 Мулк муаммо ва ечимлар. 19.00 Бугун — Жаҳон атроф муҳитни муҳофаза қилиш куни. 19.30 Ахборот. 19.50 Концерт. 20.30 Время. 21.00 Концерт. 21.40 Ўзбекистон Компартияси XXII съезди кундалиги. 22.00 Ахборот. 22.20 «Йўл бўлсин». Бадиий фильм.

ЎзТВ-II. 18.00 «Юлдузча». 18.35 Қардошлар шеъриятидан. 19.30 «Тошкент» студияси. **ДУШАНБЕ.** 20.30 Время. 21.00 Зайнаб Хонларова концерти. 21.30 Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ходи Кенжаев. 22.00 Ахбор. 22.20 Сизнинг фикрингиз.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Ҳужжатли фильм. 8.25 Концерт. 8.40 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Бадиий фильм, 3 ва 4-сериялар. 10.15 Бу бўлган... бўлганди. 10.35 Мультфильм. 10.55 Болалар соати. 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 12.40 Умринг боқий бўлсин, Ер. 15.45 Мусиқий ҳазина. 16.20 «Электроникнинг саргузаштлари». Бадиий фильм, 1-серия. 17.30 Бор бўл мусиқа. 18.00 Время. 18.30 Мультфильм. 18.40 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Бадиий фильм, 5—6-сериялар. 20.30 Время. 21.00 «Ҳа, жаноб Бош министр». Бадиий фильм, 1-фильм. 21.40 «Иш устасидан қўрқади». 22.25 «Бу... уч карта». Бадиий фильм. 23.50 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия. 8.15 Болалар учун фильм. 9.20 Ритмик гимнастика. 9.50 Фильм-концерт. 10.35 Мультфильм. 10.55 Концерт. 11.35 Ҳужжатли фильм. 12.15 «Давлат чегараси». Бадиий фильм, 3-фильм, 1-серия. 13.30 Ритмик гимнастика. 16.00 Халқ ижодиёти видеоблоки. 18.00 Время. 18.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 19.00 Информацион программа.

• 6 июнь, чоршанба

ЎзТВ-I. 11.30 Нафосат олами. 12.15 «Йўл бўлсин». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Умумий биология. 18.10 Мультфильмлар. 18.40 «Ой борив, омон қайт». 19.10 Телефильм. 19.30 Ахборот. 19.50 «Суянчим — шеърият». 20.20 Манзарали фильм. 20.30 Время. 21.00 Мақом кечаси. 22.00 Ахборот. 22.20 Ўзбекистон Компартияси XXII съезди кундалиги. 22.40 «Тошкент» студияси. 23.40 «Агар мўъжиза юз берса».

ЎзТВ-II. 18.00 «Жажжи сержант». Бадиий фильм. 19.25 Телефильм. 20.00 Фильм-концерт. **ФРУНЗЕ.** 20.30 Время. 21.00 «Садоқатлилар». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Ҳужжатли фильм. 8.25 «Навбат сизга, артист». 8.50 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Бадиий фильм, 5 ва 6-сериялар. 10.35 «Бу... уч карта». Бадиий фильм. 12.00 Время. 15.45 Мультфильм. 15.55 «Электроникнинг саргузаштлари». Бадиий фильм, 2-серия. 17.00 Болалар соати. 18.00 Время. 18.30 Шеърият лаҳзалари. 18.35 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Бадиий фильм, 7 ва 8-сериялар. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 Долзарб интервью. 21.15 «Ҳа, жаноб Бош министр». Бадиий фильм, 2-серия. 21.45 Телеочерк. 23.45 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия. 8.15 Болалар учун фильм. 9.25 Қалбга яқин қўшиқлар. 10.10 Ҳужжатли фильм. 10.50 Фильм-концерт. 11.30 Ҳужжатли фильм. 11.40 «Давлат чегараси». Бадиий фильм, 3-фильм, 2-серия. 16.30 Енгил атлетика. Халқаро мусобақалар. 17.10 Концерт. 17.30 Теннис. 18.00 Время. 18.30 Концерт. 18.55 Коллаж. 19.00 Информацион программа.

• 7 июнь, пайшанба

ЎзТВ-I. 11.30 Телефильмлар. 12.10 «Жажжи сержант». Бадиий фильм. 17.20 Янгиликлар. 17.25 Математика. 17.55 Алифбо сабоқлари. 18.30 Футбол. «Пахтакор»—«Шинник». 20.20 Телефильм. 20.30 Время. 21.00 Камолат сари. 21.30 «Келажак режалари». Ўзбекистон Компартияси XXII съезди иш якунлари. 22.00 Ахборот. 22.20 «Ёшлик».

ЎзТВ-II. 18.05 «Чорраҳа». Бадиий фильм. 19.30 Телефильм. 19.40 Реклама. 19.45 «Тошкент» студияси. **ДУШАНБЕ.** 20.30 Время. 21.00 Чеҳраи оунар. 21.40 «Вани одам азои якди гаранда». 22.00 Ахбор. 22.20 «Тўлқинлар қиргоқда ҳалок бўлади». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 Ҳужжатли фильм. 8.20 Концерт. 8.40 Илмий-оммабоп фильм. 9.00 «Шаҳар чекасидаги касалхона». Бадиий фильм, 7 ва 8-сериялар. 10.55 Болалар соати. 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 15.45 Йўл ҳаракати хавфсизлиги. 16.05 «Электроникнинг саргузаштлари». Бадиий фильм, 3-серия. 17.10 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.00 Время. 18.30 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Бадиий фильм, 9 ва 10-сериялар. 20.30 Время. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 «Ҳа, жаноб Бош министр». Бадиий фильм, 3-фильм. 21.40 Опера шинавандалари клуби. 22.50 Илья Глазунов билан учрашув. 00.20 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия. 8.15 Болалар учун фильм. 9.25 Концерт. 9.55 Ритмик гимнастика. 10.25 Концерт. 11.00 Мультфильм. 11.20 «Тилла элакча». 12.05 «Давлат чегараси». Бадиий фильм, 4-фильм, 1-серия. 16.05 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 16.30 Фикрлар чорраҳасида. 17.30 Теннис. 18.00 Время. 18.30 Экологик муҳитни сақлаш ҳақида. 19.00 Информацион программа.

• 8 июнь, жума

ЎзТВ-I. 11.30 «Чорраҳа». Бадиий фильм. 12.55 «Хотира». Сойиб Хўжаев. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Физика. 18.10 Мультфильм. 18.20 Сув—ҳаёт манбаи. 19.00 Педагогик ишларни такомиллаштириш. 19.30 Ахборот. 19.50 Тилга эътибор. 20.30 Время. 21.00 Экран таништиради. 21.50 Одобнома. 22.00 Ахборот. 22.20 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Умаров куйлайди.

ЎзТВ-II. 18.10 «Дилбарим». Кинокомедия. 19.15 Телефильм. 19.25 «Тошкент» студияси. **ФРУНЗЕ.** 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.15 Футбол. Жаҳон чемпионатининг тантанали очилиши. 21.45 «Мерос». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 Мультфильм. 8.10 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 9.00 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Бадиий фильм, 9 ва 10-сериялар. 11.00 Саёҳатчилар клуби. 12.00 Время. 15.45 Илмий хабарнома. 16.30 Агар сиз... 17.15 Чемпионларнинг маслаҳатлари. 18.00 Время. 18.30 Мусаввир устахонасида. 18.45 Ҳужжатли фильм. 19.15 Концерт. 19.35 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Бадиий фильм, 11-серия. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.15 Футбол. Жаҳон чемпионатининг тантанали очилиши. 21.45 Бу бўлган... бўлганди. 22.05 Нима? Қачон? Қаерда?. 22.40 Нигоҳ. 00.10 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия. 8.15 Дўстлик хороводида. 9.05 Ҳужжатли фильм. 9.35 Болалар учун фильм. 10.45 Гжель ўзи қанақа? 11.30 Концерт. 12.00 «Давлат чегараси». Бадиий фильм, 4-фильм, 2-серия. 17.15 «Дартс нима ўзи?». 17.30 Теннис. 18.00 Время. 18.30 Мультфильмлар. 19.00 Информацион программа. 21.45 Футбол. Аргентина — Камерун.

• 9 июнь, шанба

ЎзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Ҳужжатли фильмлар. 10.50 Пойтуғ тўқимачилари. 11.20 Бу сирли олам. 11.50 «Ҳазил». Бадиий фильм. 13.25 «Ёшлик». 14.05 Дутор ҳақида лавҳа. 18.05 Мультфильм. 18.15 Тенгдошлар. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.45 Тошлар жилоси. 20.00 Время. 20.30 Оқшом эртаклари. 20.45 Долзарб мавзу. 21.00 Ойнаи жаҳонда — Қашқадарё. 22.00 Ҳафтанома. 22.40 «Абул Файзхон». Спектакль.

ЎзТВ-II. ДУШАНБЕ. 9.00 Адабий мусиқий кўрсатув. 9.55 «Ворислар». Спектакль. 18.00 Мультфильм. 18.20 «Шаҳристон текисликларида». 18.50 Ота-оналар учун кўрсатув. 19.30 Новости. 19.50 Кинолавҳа. 20.00 Время. 20.30 «Жаҳоннамо». 22.00 Ахбор. 22.30 Жаҳоннамо.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Онам, дадам ва мен. 8.35 Йил фасллари. 9.35 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Бадиий фильм, 11-серия. 10.30 Бурда модель. 11.00 Концерт. 11.30 Партнер. 12.00 Футбол. Аргентина — Камерун. 13.00 Дўстлик меридианлари. 15.15 Мўъжизасиз мўъжизалар. 16.15 Сиёсий мулоқотлар. 17.15 Фотоконкурс. 17.20 Халқаро панорама. 18.05 Ҳужжатли фильм. 18.30 «Саргузаштлар изловчи». Бадиий фильм. 20.00 Время. 20.30 Экранда — Сибирь. 20.45 Футбол. СССР—Руминия. 23.55 ТСН.

МТ-II. 7.30 Бадантарбия. 7.45 «Полковник Шалигининнинг қутиси». Бадиий фильм. 9.10 «Агар сиз...». 9.55 Коллаж. 10.00 «Совет Россияси». 12.30 Рус тили. 13.00 Ҳамдўстлик. 16.30 «Олис портлаш акс-садоси». Бадиий фильм. 18.00 Теннис. 19.00 Информацион программа. 00.45 Футбол. Италия—Австрия.

• 10 июнь, якшанба

ЎзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 «Пазанда». Бадиий фильм. 11.05 Спорт кўрсатувлари. 12.10 Ота-оналар университети. 12.40 Концерт. 13.20 Яшил чироқ. 14.20 Пахтакорларнинг долзарб вазифалари. 14.50 Алифбо сабоқлари. 17.15 Қўшигим, жон қўшигим. 18.00 Футбол. «Пахтакор»—«Геолог». 19.50 Мультфильм. 20.00 Время. 20.30 Муножат Йўлчиева куйлайди. 21.30 Долзарб мавзу. 22.00 Ахборот. 22.20 Театр ва замон.

ЎзТВ-II. ДУШАНБЕ. 9.00 Мусиқий ахборот. 10.05 Реклама. 10.15 Китобчанинг викторинаси. 10.55 Енгил саноат ходимлари куни. 11.55 «Тўртинчи ким». Бадиий фильм. 17.50 «Капитан Грантни излаб». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 20.00 Время. 20.30 Концерт. 21.10 Санъат усталари. 22.00 Ҳафта. 22.30 Шарқ юлдузлари.

МТ-I. 7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 Спортлото. 8.30 Эрта саҳарлаб. 9.30 Ватан хизматида. 10.30 Дам олиш программаси. 11.00 Дунё бўйлаб. 12.00 Здоровье. 12.45 Қишлоқ янгиликлари. 14.00 Экологик бумеранг. 15.15 Педагогика ҳамма учун. 16.15 Концерт. 18.00 Мультфильм. 18.10 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Бадиий фильм, 12 ва 13-сериялар. 20.00 Время. 20.30 Абадият ҳақида ўйлар. 20.40 «Оққуш кўли». Спектакль. 23.05 Ҳужжатли фильм. 23.35 Александр Малининнинг энциклопедия. 00.45 Футбол. Бразилия—Швеция.

МТ-II. 7.35 Зарядкага сафланинг. 7.45 Ҳужжатли фильм. 8.15 Футбол. Бирлашган Араб амирлиги — Колумбия. 9.15 «Шахсий ҳаёт». Бадиий фильм. 10.55 Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 11.55 «Қойил, Албер Лолиш». Бадиий фильм. 13.30 Она замин ташвишида. 13.50 Коллаж. 13.55 «Совет Россияси». 16.25 Халқаро программа. 17.25 Концерт. 17.55 Хайрли тун, кичкинтойлар! 18.10 «Мактабдош дўстлар». Бадиий фильм. 19.35 Ҳужжатли фильм. 20.00 Время. 20.30 Мусаввир устахонасида. 20.45 Футбол. АҚШ—Чехословакия.

Тошкент давлат маданият институтининг ректорати, фирқа ташкилоти ва касаба уюшмаси рус ва чет эл адабиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Е. Яквалхўжаевга акаси

Файзулла ЯКВАЛХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент машинасозлик институти ректорати, тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги факультети жамоаси қишлоқ хўжалиги машиналари кафедрасининг катта илмий ходими, техника фанлари номзоди М. А. Исмановга отаси

Адҳам ИСМАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси правлениеси Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, уюшма аъзоси, инқилоб ва санъат ветерани

Қаюм ШОБАРАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат университети ректорати, партия комитети ҳуқуқшунослик факультети жиноят жараёни кафедрасининг ўқитувчиси, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Э. Т. Шакарова ўғли

Комилжон Эсонбоевич ШАКАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари медицина фанлари доктори, эндокринология кафедрасининг мудири М. М. Мирахмедовга онаси

Саодат МИРАЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси институтнинг етук олими, лаборатория бошлиғи, профессор Т. Т. Шокировга қизи

Ҳилола ШОКИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат маданият институтининг ректорати, фирқа ташкилоти ва касаба уюшмаси институт илмий ишлар бўйича проректори, профессор А. Муҳамедовга акаси

Омонулла МУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг маъмурияти ва илмий аҳли катта илмий ходим, тиббиёт фанлари номзоди О. Н. Холматовга отаси

Нурмат ХОЛМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р. — 04584. № 125. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12